O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY ... INV.№

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2006 йил
26 август
ШАНБА
№ 67-68
(11.870-871)

1928 йил 11 декабрда асос солинган ● Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ● Эркин нархда сотилади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

«ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ» УНВОНИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг жаҳон миқёсидаги шон-шуҳратини юксалтириш, ислоҳотларни янада чуқурлаштириш борасида давлат ва халқ олдидаги улкан хизматлари, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳалардаги узоқ йиллик қаҳрамонона меҳнати, халқимизнинг бебаҳо маданий-маънавий меросини сақлаш ва ривожлантириш ҳамда ёш авлодни ватанпарварлик ва халқпарварлик руҳида, ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялашга қўшган катта ҳиссаси учун қуйидагиларга "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвони берилиб, олий нишон — "Олтин юлдуз" медали топширилсин:

Абдуллаев Абдуғани — Республика "Усто" ижодий уюшмасининг Кўқон бадиий ишлаб чиқариш корхонаси ёғоч-ўймакор устаси

Абдуллахўжаева Малика Саматовна — Республика патологик анатомия маркази директори, академик

Илясов Баҳодир Қиёмович — "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компаниясининг 214-машиналашган темир йўл станциясининг йўл созловчиси

Саматов Саме — Гулистон давлат университети қошидаги академик лицей директори, Сирдарё вилояти

Ҳайтметов Гулмат — Гурлан туманидаги "Хайтиммат ота" фермер хўжалиги бошлиғи, Хоразм вилояти

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 2006 йил 25 август.

Абдуллаев Абдуғани

Абдуллахўжаева Малика Саматовна

Илясов Баҳодир Қиёмович

Саматов Саме



Ҳайтметов Гулмат

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида

Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, халқимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига она юртга муҳаббат, истиқлолга садоқат туйғуларини чуқур сингдириш масаласи бугунги кунда тобора долзарб аҳамият касб этмоқда.

Бу борада тегишли идора ва ташкилотлар, жумладан, Республика Маънавият ва маърифат кенгаши ҳамда унинг жойлардаги бўлимлари томонидан муайян ишлар амалга оширилаётганини қайд этиш лозим.

Шу билан бирга, халқаро майдонда мафкуравий, ғоявий ва информацион курашлар кучайиб бораётган ҳозирги мураккаб ва таҳликали даврда маънавий-маърифий ишларни замон талаблари асосида ташкил этиш, ёшларимизни турли мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилиш, юртдошларимизнинг ҳаётга онгли муносабатини шакллантириш, ён-атрофда юз бераётган воқеаларга дахлдорлик ҳиссини ошириш, мамлакатимиз мустақиллиги, тинч-осойишта ҳаётимизга хавф туғдириши мумкин бўлган тажовузларга қарши изчил кураш олиб бориш вазифаси ушбу соҳадаги ишларни, жумладан, Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг фаолияти ва таркибий тузилишини қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда.

Мамлакатимизда миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишларнинг самарадорлигини, уларнинг ҳаётийлиги ва таъсирчанлигини янада ошириш мақсадида ҳамда Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг навбатдаги йиғилишида билдирилган таклифларни инобатга олган ҳолда:

1. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирига Республика Маънавият ва маърифат кенгашига раислик қилиш, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар, шаҳар ва туманлар ҳокимларига эса ҳудудий кенгашларга раҳбарлик қилиш вазифаси юклатилсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари штатлар жадвалига қўшимча равишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчиси штати (жами 14 та штат бирлиги) киритилсин.

3. Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг таркибий тузилиши иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Республика Маънавият ва маърифат кенгаши ҳузуридаги Миллий мафкура илмий тарғибот маркази ўрнига Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг илмий-амалий йўналишда фаолият олиб борадиган, давлат бюджети ҳисобидан молиялаштириладиган Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази ташкил этилсин.

Қуйидагилар Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий марказининг асосий вазифаси этиб белгилансин:

миллий ғоя ва мафкура масаласи билан боғлиқ долзарб муаммоларни, бугунги мураккаб мафкуравий жараёнларни илмий-амалий жиҳатдан атрофлича таҳлил қилиш ва баҳолаш, устувор йўналишларини аниқлаш, уларнинг аҳоли турли қатламларига таъсирини ўрганиш, миллий манфаатларимизга, ҳаёт тарзимизга зид бўлган зарарли ғоялар ва мафкуравий хуружларнинг моҳиятини очиб бериш;

халқимизнинг кўп асрлик маънавияти ва миллий қадриятлари, диний қарашлари ва ҳаётий удумларига, ёшларимизнинг онгини заҳарлаб, маънавий жиҳатдан қарам этишга қаратилган мафкуравий хатарларга қарши самарали кураш олиб бориш бўйича илмий-амалий дастурларни ишлаб чиқиш;

фуқароларимиз қалбида миллий тафаккур ва соғлом дунёқараш асосларини мустаҳкамлаш, уларнинг

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида

«Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ:

1.Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқаролар Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервига бўшатилсин.

2.Чақирилиш муддатини кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикасининг чақирув ёшидаги фуқаролари 2006 йилнинг октябрь-ноябрь ойларида муддатли ҳарбий хизматга чақирилсин.

Муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақирилишдан озод этиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ ушбу чақирув мобайнида Қуролли Кучлар сафига чақирилмайдиган фуқаролар сафарбарлик чақируви резервига олинсин.

3. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик кенгаши Котиби М.Атаев зиммаларига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
2006 йил 25 август.

ЭЗГУ НИЯТЛАР ИЖОБАТИ

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов 25 август куни Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Энг улуғ, энг азиз байрамимиз арафасида фойдаланишга топширилаётган янгидан-янги корхоналар, тиббиёт муассасалари, мактаблар, лицей ва коллежлар, спорт мажмуалари, санъат ва маданият кошоналари, равон йўллар, кўприклар, боғу роғлар, хиёбонлар, фавворалар юртимиз шаҳару қишлоқлари кўркига-кўрк, чиройига-чирой қўшмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 25 август куни Тошкент шаҳрида олиб борилаётган бунёдкорлик ва ободонлик ишлари билан танишишни Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий боғидан бошлади. Истиқлол йилларида мазкур боғнинг қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгарди. Унинг янгидан қурилган 12 устун ва бешта гумбаздан иборат нақшинкор маҳобатли дарвозаси Бешёғоч майдонининг ҳуснига-ҳусн қўшиб турибди.

Бу ердаги кўл янгидан барпо этилиб, атрофи ободонлаштирилди. Ҳудуди бир неча гектарни ташкил этадиган кўл сувининг тозалигини мунтазам таъминлаб турадиган ирригация иншоотлари қурилди.

Мамлакатимиз Президенти боғ ҳудудида қурилган Ўзбекистон маданияти ва санъати кўргазмаси биноси билан танишар экан, мазкур иншоотни барпо этишда иштирок этган меъморлар, муҳандислар, қурувчилар ва усталарнинг меҳнати ва маҳоратига юксак баҳо берди. Халқимизнинг асрлар оша авлоддан-авлодга ўтиб келаётган маданияти ва амалий санъатини кенг тарғиб этишда бу кўргазма зали муҳим аҳамиятга эга бўлишини таъкидлади.

"ТошкентбошпланЛИТИ" лойиҳалаш институти лойиҳаси асосида барпо этилган мазкур бинонинг тўрт томонига нақшинкор айвонлар ўрнатилган. Уни бунёд этишда пойтахтимиздаги 159-қурилиш трести қурувчилари жонбозлик кўрсатган бўлса, безашда "Усто" бирлашмасининг қўли гул ёғоч ўймакорлари ва ганчкорлари ўзининг юксак маҳоратини намойиш этдилар. Кўргазма атрофидаги қарийб йигирма гектарлик майдонга турли дарахтлар экилиб,

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг еттинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

2006 йил 25 август куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг еттинчи ялпи мажлиси очилди.

Мажлисда Вазирлар Маҳкамасининг таклиф этилган аъзолари, фаолияти Сенатнинг ялпи мажлиси кун тартибига киритилган масалаларга дахлдор давлат органларининг раҳбарлари ҳозир бўлдилар.

Мажлисни Олий Мажлис Сенатининг Раиси И.Собиров олиб борди.

Ялпи мажлис Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг раиси тўғрисидаги масалани кўриб чиқишдан бошланди. Тошкент вилояти Бекобод туманининг ҳокими бўлиб ишлаган сенатор Турсинбой Комилов Қўмита раиси этиб сайланди.

Кун тартибига мувофиқ сенаторлар "Микромолиялаш тўғрисида"ги ва "Микрокредит ташкилотлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларини кўриб чиқишга киришдилар. Қонунларни муҳокама қилиш жараёнида сўзга чиққан сенаторлар ушбу қонунлар тадбиркорлик субъектлари ва аҳолининг молиявий воситалар ва хизматлардан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш, уларнинг ишдаги фаоллигини ошириш, микромолиявий хизматлар бозорини ва тадбиркорликни ривожлантириш, микрокредит ташкилотлари фаолиятини йўлга қўйишга қаратилган бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш, мазкур масалалар юзасидан ягона ҳуқуқий базани шакллантириш учун муҳим аҳамиятга эга бўлишини кўрсатиб ўтдилар. Муҳокамадан кейин ушбу қонунлар сенаторлар томонидан маъқулланди.

"Ипотека тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини муҳокама қилган сенаторлар ушбу Қонун мажбуриятларни, жумладан, уй-жой қурилишини ипотека воситасида кре-

(Давоми 2-бетда).

Оҳангарон тумани:

ИСТИҚБОЛ САРИ ҲАР КУН БИР ҚАДАМ

Мустақилликнинг 15 йиллигига

Серқуёш диёримизнинг барчага маълум ва машҳур воҳаларига таъриф берилганда, албатта, унинг ўзига хос жиҳатлари айтилади, табиий иқлим ва жуғрофий шарт-шароитлари ҳавас билан тилга олинади. Юртбошимиз бир сафар пойтахт вилояти ҳақида фикр юрита туриб, унга шундай таъриф берганидики, бундай самимий эътироф ҳали ҳеч бир адибу нотиқнинг хаёлига ҳам келмаган бўлса керак.

1. АСРГА ТАТИГУЛИК ЙИЛЛАР

«Бу бетакрор заминда уч фаслни — қиш, баҳор ва ёз манзараларини бир вақтда учратиш мумкин десак, асло муболаға бўлмайди, — деган эди Юртбошимиз. — Бекобод, Чиноз боғларида чиллаки чумак урганида, Бўстонлиқ ва Паркент тоғ-ён бағирларида бодом эндигина гулга киради. Оҳангароннинг лалми ерларида ғалла ўрими бошланганида, Бўка ва Пскент туманларидаги деҳқонлар буғдойни ўриб-янчиб омборларга жойлаётган бўладилар...»

Оҳангарон тумани — вилоятимизнинг ана шундай диққатга сазовор, иқлими ва бетакрор табиати билан алоҳида ажралиб турадиган тоғли ҳудудларидан ҳисобланади. У шимолий шарқдан Чотқол, жанубий шарқдан Қурама тоғ тизмалари ўртасидаги гўзал водийдир. Пурвиқор тоғлардан оқиб тушадиган Қамчиқсой, Элтошсой, Дукентсой, Нишбошсой, Қорабоғсой, Кандирсой, Ақчасой, Шовазсой сувлари ҳудудга жаннатий оби-ҳаёт бахш этиб туради. Азим Оҳангарон дарёсининг асосий сув манбалари ҳам шу сойларда тўпланади. Азалдан аҳолиси деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланиб келадиган Оҳангарон замини бундан роппа-роса 80 йил муқаддам мустақил туман мақомини олди. Ҳозирга келиб, бу ердаги 88 та аҳоли пунктларида қарийб 80 минг киши истиқомат қилмоқда.

— Туманимиз узоқ йиллик ривожланиш йўлини босиб ўтган бўлса-да, айнан истиқлол йиллари том маънода янгиланиш ва юксалиш даври бўлди, — дейди туман ҳокими Маҳмуджон Қуролов. — Хусусан, туман аҳли, айниқса, оддий инсонлар ҳаётида охирги 15 йил асрларга татийдиган из қолдирди. Деҳқон ерига, боғбон боғига, тадбиркору ҳунарманд бекиёс имкониятларга эга бўлди. Инсон меҳнати қадр топди, манфаати улуғланди. Назаримда, эришилаётган муваффақиятларнинг ўзак омили шунда.

Дарҳақиқат, Оҳангарон бугун вилоятимизнинг қатор туман ва шаҳарлари орасида ўз ўрни ва салоҳиятига эга бўлиб бормоқда. Туман қиёфасидан тортиб, одамларнинг яшаш шароитларигача, ижтимоий жабҳалардан тортиб, иқтисодий салоҳиятигача ўзгариш, юксалиш жараёнларини бошдан кечирмоқда. Бугун изчил давом этаётган ислоҳотлар самарасини ҳар гўша, ҳар қадамда кўриш, ҳис этиш мумкин.

Туман аҳолисининг салмоқли қисми — 7200 нафардан ортиғининг тирикчилиги қишлоқ хўжалиги билан эканлиги инобатга олинса, соҳага жорий этилган янгиликлар, қишлоқ одамлари турмушида кескин бурилиш ясагани ойдинлашади. Хусусан, бу заминда ишнинг кўзини биладиган, меҳнатдан қочмайдиган, пешона тери билан бойлик ярата оладиган заҳматкаш деҳқонлар манфаат топди, қадр кўрди. Уларнинг энг муносиблари ерга, мулкка эгалик қилиш ҳуқуқини қўлга киритиб, заминдор сифатида деҳқонлар бошини қовуштириб, катта мақсадлар билан иш бошлашди. Эндиликда туманда «Авазхон»га ўхшаган бутун вилоятда маълум ва машҳур фермерлар кўпайиб қолди.

Яна бир эътироф этишга лойиқ жиҳат — туманда саноат тармоқларининг тобора кенг қулоч ёйётганидир. Бугун бу тизимда 3 мингга яқин оҳангаронликлар меҳнат қилаётгани ҳам туманга саноат кенг кириб бориб, изчил ривож топаётганидан далолатдир. Айни вақтда 14 та саноат корхонаси етарли қувватда ишлаб турибди. Уларда тайёрланаётган маҳсулотлар ҳажми ҳам тобора ўсиб бораяпти. Айтайлик, 2003 йил тармоқда 4494,2 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланган бўлса, бу кўрсаткич 2004 йилда 5732,7, 2005 йилда 6873,0 миллион сўмни ташкил этди. Бу йил ҳам барқарор ўсиш суръатлари кўзга ташланаяпти. Шунингдек, уларнинг иккитасида экспортга маҳсулот жўнатилмоқда.

Бундан ташқари, 30 дан ортиқ кичик ва ўрта бўғин ишлаб чиқариш корхоналари ишлаб турибди. Ўзаро шерикчилик ва ҳамкорликка асосланган қўшма корхоналар ҳам 5 тага етди. Умуман, туманда тадбиркорлик, хусусий бизнеснинг мунтазам эътибор ва рағбат кўраётгани тармоқ ривожи йўлида имкониятлар эшигини кенг очмоқда. Ҳудудда тадбиркорлар, ҳунармандлар ва касаначилик билан шуғулланаётганлар ҳуқуқ ва манфаатлари ҳамиша ҳимояда.

Ҳали олдинда қилинажак ишлар, эзгу мақсад, вазифалар бисёр. Таъбир жоиз бўлса, оҳангаронликлар юксалиш ва ривожланишнинг катта довонидалар. Уларни нурли манзиллар, юксак марралар чорламоқда.

Учрашувлар, мулоқотлар

ИМКОНИЯТЛАР ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 15 йиллиги муносабати билан вилоят Маънавият ва маърифат кенгаши уюштираётган учрашувлар давом этмоқда.

– Барча шаҳар ва туманлардаги маҳаллалар, корхоналар, ташкилотларда бўлиб ўтаётган мулоқотлар шаклан турлича бўлишига қарамай, моҳиятан уларнинг бари "Мустақиллик – олий неъмат" мавзусидадир, – дейди "Маънавият ва маърифат" маркази вилоят бўлими раҳбари Суяр Қурбонқулов. – Таниқли ёзувчилар, шоирлар, маданият ва санъат намоёндаларидан иборат ижодий гуруҳлар шу кунгача анча жойларда бўлишиб, "Ўзбекистон келажаги буюк давлат", "Эгали юрт эркини бермас", "Соҳибқирон авлодимиз", "Эркин ва фаровон ҳаётни юксак маънавиятсиз қуриб бўлмайди", "Миллий армиямиз – мустақиллигимизнинг таянчи, осойишта ҳаётимизнинг кафолатидир", "Мардлар қўриқлайди Ватанни",

(Давоми 3-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш

онгли яшашга, ўз фикрига эга бўлишга, турли маънавий тажовузларга қарши собит тура олишга қодир бўлган, иродали, фидойи ва ватанпарвар инсонлар этиб тарбиялашга йўналтирилган амалий тавсиялар тайёрлаш. Бу борада маънавий-маърифий тарғибот ишларининг таъсирчанлигини таъминлайдиган замонавий ахборот технологиялари ва механизмларини, жамиятимизнинг мафкуравий иммунитетини кучайтиришга қаратилган самарали усул-услубларни ишлаб чиқиш, давлат ва жамоат ташкилотлари учун тегишли тавсия ва таклифлар тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратиш;

ўз фаолияти доирасида амалга оширилган илмий изланишлар натижаларини, таҳлилий материалларнинг хулосаларини оммавий ахборот воситалари, жумладан, Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг нашр органлари – "Тафаккур" ва "Жаҳон адабиёти" журналлари, "Маънавият" нашриёти орқали мунтазам равишда чоп этиб, кенг жамоатчиликка етказиш.

5. Республика "Маънавият ва маърифат" маркази Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг амалий тарғибот йўналишида фаолият олиб борадиган Республика Маънавият тарғибот марказига айлантирилсин.

Қуйидагилар Республика Маънавият тарғибот марказининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

маънавиятнинг маъно-моҳияти, миллий маънавиятимизнинг қадимий илдизлари, ноёб ва бетакрор намуналари, бугунги кундаги ривожланиш тамойиллари ҳақида аниқ мақсадга қаратилган тарғибот ишларини мунтазам равишда олиб бориш;

аҳолининг кенг қатламлари, аввалambор ёшлар ўртасида Ватанга муҳаббат ва садоқат, инсонпарварлик фазилатларини тарбиялаш, миллий урф-одат, анъана ва қадриятларнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини ҳар томонлама очиб беришга йўналтирилган суҳбат ва учрашувлар, маърифий тадбирлар ўтказиш;

бугунги кунда амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишлари, кенг кўламли ислоҳотларнинг моҳияти, қабул қилинган қонун ҳужжатлари ва давлат дастурларининг аҳамиятини атрофлича шарҳлаш ва тушунтириш, юртимизга қарши қаратилган ғоявий ва информацион хуружлар, уларнинг ортида турган кучларнинг ғаразли мақсадларини фош қилиш, одамларни ҳушёрлик ва огоҳликка даъват этиш, олимлар, сиёсатчи ва мутахассислар, ижодкор зиёлилар иштирокида жойларда самарали тарғибот тизимини йўлга қўйиш;

ота-она, оила ва маҳалла, тарихий хотира, миллий ғурур, комил инсон тарбияси билан боғлиқ туйғу ва тушунчаларни ёш авлод қалби ва онгига таъсирчан усул-услублар орқали сингдириш, аждодларимизнинг бу борадаги меросини бугунги тараққиёт талаблари билан узвий ҳолда ривожлантириш, тарғибот ишларини миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги асосида ташкил этиш;

юртдошларимизни муқаддас ислом дини ва фалсафаси, азиз-авлиёларимизнинг ибратли ҳаёти, қутлуғ қадамжоларига, бошқа диний конфессияларга нисбатан ҳурмат-эҳтиром ва бағрикенглик руҳида тарбиялаш, жамиятимизда соғлом турмуш тарзи, миллатлараро тотувлик, ўзаро меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш бўйича маънавий-маърифий дастурларни амалга ошириш.

6. Республика Маънавият ва маърифат кенгаши 15 кун муддатда Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази ҳамда Республика Маънавият тарғибот марказининг дастур ва низомларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

7. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Республика Маънавият тарғибот маркази, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази ҳамда "Тафаккур" журнали таҳририятини Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5-уйга жойлаштирсин.

8. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий марказини хизмат телефонлари, жумладан, ҳукумат телефони, интернет, бошқа алоқа ва ахборот воситалари билан белгиланган тартибда таъминласин.

9. Молия вазирлиги: Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий марказини фаолиятини молиялаштириш, уни зарур идоравий жиҳозлар, компьютер техникаси ва бошқа асбоб-ускуналар билан таъминлаш, марказнинг илмий-тадқиқот натижалари, долзарб ижтимоий-сиёсий мавзулардаги китоб, рисола, дастур, қўлланма ва бошқа матбаа маҳсулотларини нашр этиш билан боғлиқ харажатлар учун 2007 йилдан бошлаб давлат бюджетидан маблағ ажратилишини кўзда тутсин;

Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази учун битта енгил автомобилга лимит ажратсин.

10. Республика Маънавият ва маърифат кенгаши Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда, бир ой муддатда амалдаги қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 2006 йил 25 август.

(Давоми. Боши 1-бетда).

ЭЗГУ НИЯТЛАР ИЖОБАТИ

кўзларни қувнатувчи яшил майсалар ундирилди.

– Ушбу маданият ва санъат кўргазмаси биносининг бунёд этилиши халқимизнинг маънавий такомилига хизмат қилади, – деди давлатимиз раҳбари. – Айни пайтда у аждодларимиздан қолган бетакрор маданий ва маънавий меросимизни авайлаб-асраш, ривожлантириш ва кенг миқёсда тарғиб этиш имконини ҳам беради. Барқарор ўсиш йўлидан бораётган, тинчлик-осойишталик ҳукм сурган мамлакатдагина давлат ва жамият ўз олдига ана шундай улуғвор мақсадларни қўйиши ва уларга эришиши мумкин.

Ислом Каримов бу ерда ташкил этилган халқ ҳунармандчилиги маҳсулотларини кўздан кечирди. Бундай санъат асарларини янада кўпайтириш, ҳунармандчиликдаги устоз-шогирдлик анъаналарини изчил ривожлантириш, ҳунармандчилик билан шуғулланаётганларга тегишли шарт-шароит яратиш зарурлигига эътиборни қаратди.

– Юртимизнинг турли ҳудудларида тайёрланган ва турли мактабларга хос мана бу заргарлик, кандакорлик, пичоқчилик, гиламдўзлик, кулолчилик, зардўзлик, дурадгорлик каби ҳунармандчилик маҳсулотлари ёнидан бефарқ ўтишнинг иложи йўқ, – деди Президентимиз. – Ўзбекистон маданияти ва санъати кўргазмаси халқимиз миллий қадриятларини янада бойитиш ва келгуси авлодларга етказишда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Юртбошимиз улкан боғдаги сунъий кўл атрофида амалга оширилган ишларни кўздан кечирар экан, боғ ҳудудини янада қенгайтириш, турли дарахтларни кўпайтириш, унинг ғарбий томонида ҳам янги дарвоза ўрнатиш зарурлигини уқтирди.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан мамлакатимизда миллатни соғломлаштириш, бунинг учун спортни янада оммалаштириш, аҳолини, айниқса, хотин-қизлар ва болаларни спортга кенг жалб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ана шундай хайрли мақсадлар йўлида шаҳар ва қишлоқларимизда кўплаб замонавий спорт иншоотлари барпо этилмоқда, мавжудлари халқаро андозалар асосида таъмирланмоқда.

Президент Ислом Каримов Юнусободдаги янги қуриб битказилган Универсал спорт саройига ташриф буюрди. Унда енгил атлетиканинг қарийб барча йўналишлари бўйича мусобақалар ўтказиш мумкин. Узунликка ва баландликка сакраш, ядро улоқтириш, югуриш учун қулай шароит яратилган. Айниқса, ёпиқ турдаги бу спорт иншооти ядро улоқтиришга мосланган эътиборга молик.

Узунлиги 100, эни 52 метрли саройда жаҳон андозаларига мос равишда 200 метрли югуриш йўлаги бор. Унинг ўртасидаги арена баскетбол, гандбол, волейбол ўйнашга мўлжалланган.

Саройнинг ўзига хос жиҳатларидан яна бири – уни 5-10 дақиқа ичида қайта шакллантириб, спортнинг бошқа турлари бўйича бемалол мусобақалар ўтказиш имконияти мавжуд. Масалан, мат қўйилса дзюдо, умуман, барча турдаги кураш беллашувларини, ринг ўрнатилиб, бокс мусобақасини ташкил этиш мумкин. Шу тариқа саройда бадиий гимнастика, катта теннис ва стол тенниси бўйича турнирларни ўтказса бўлади.

Сарой замонавий талабларга жавоб берадиган барча зарур спорт инвентарлари, мониторлар ҳамда электрон табло билан жиҳозланган. Беллашувларни бир йўла 3900 томошабин кузатиши мумкин.

Маълум бўлишича, шу чоқ-қача "Ўзбекистон" спорт мажмуи очиқ ва ёпиқ теннис кортлари ҳамда сузиш ҳавзаси билан дунё рейтингида 34-ўринда турган экан. Мажмуага янги сарой қўшилганидан кейин у 20-ўринга кўтарилибди.

Президент Ислом Каримов бу ерда машқ қилаётган гандболчи, гимнастикачи ва енгил атлетикачи болалар билан суҳбатлашди. Спорт инсонни мард, матонатли, бардошли қилиб тарбиялашини таъкидлади.

– Мустақиллик йилларида кўплаб спорт иншоотлари барпо этилди, – деди Ислом Каримов. – Бунинг замирида ёш авлодни жисмонан соғлом қилиб вояга етказиш мақсади мужассам.

Мамлакатимиз раҳбари яқинда Хитойда енгил атлетика бўйича ёшлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида баландликка сакраш бўйича ғолиб чиққан Светлана Радзевил билан суҳбатлашди. Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилиб, олтин медаль билан қайтган ёш чемпионимизга совға топширди ва суратига дастхат битди. Юртбошимизнинг "Света, Ўзбекистон сен билан фахрланади!" деган сўзлари бошқа кўплаб йигит-қизларимизда ғалабага интилиш ҳиссини юксалтиради, албатта.

Спортчилар ёш авлодга кўрсатилаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик учун Президентимизга миннатдорлик билдирдилар.

Шу ерда Ислом Каримов "Пахтакор" марказий стадионини таъмирлаш режасининг лойиҳаси билан танишди. Бундай ишлар босқичма-босқич амалга оширилишини таъкидлаб, таъмир жараёнида иқлим шароити, спортчи ва ишқибозларга кўпроқ қулайлик яратиш зарурлигини уқтирди.

Шу кунларда "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси ёзги таътилдан қайтган ва ўзининг талабалик даврини бошлаётган ёшлар билан тобора гавжумлашмоқда. Бу ерда Тошкент давлат юридик, авиация, молия, санъат институтлари, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети ҳамда талай академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг талаба ва ўқувчилари турар жойлари жойлашган. Шаҳарча ҳудудидаги турар жойларда 40 мингдан зиёд талаба ва ўқувчи яшайди.

Шаҳарчада Президент Ислом Каримовнинг ташаббуси билан кенг кўламдаги бунёдкорлик ва таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Талабалар ётоқхоналари қисқа вақт ичида капитал таъмирланиб, атрофи ободонлаштирилди. Ёшларнинг ўқиши, яшаши, дам олиши ва спорт билан шуғулланиши учун барча зарур шароит муҳайё. Савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари, поликлиника ёшлар хизматида. Талабалар маънавият ва маърифат марказида йигит-қизларнинг қизиқиш ва интилишларига биноан ташкил этилган клублар фаолият кўрсатмоқда.

Булар узлуксиз таълимнинг ўзбек модели сифатида эътироф этилган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури, замон талаблари асосида бунёд этилаётган, зарур ўқув жиҳозлари ва техник ускуналар билан таъминланаётган таълим масканлари, янги таълим стандартлари, дастур ва қўлланмалар, дарсликлар, илғор педагогик технологияларнинг ҳаётга изчил жорий этилаётгани – ёшлар камолоти йўлида олиб борилаётган кенг кўламли ишларнинг амалдаги ифодасидир.

Давлатимиз раҳбари Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университетининг янги спорт мажмуини кўздан кечирди.

Янги ўқув йили арафасида университетда замонавий спорт саройининг ишга тушиши талабалар учун ажойиб совға бўлди. Бу ерда спортнинг ўн бешга яқин тури билан мунтазам шуғулланиш учун барча имконият ва шароит яратилган.

Президентимиз ушбу спорт мажмуи билан танишар экан, унинг замонавий талаблар асосида қурилганига эътиборни қаратди. Спорт зали, ёпиқ сув ҳавзаси, баскетбол, волейбол, мини-футбол майдонларига эга мажмуанинг қўшимча хоналарида мураббийлар ва спортчилар учун барча шароитлар муҳайё.

Юртбошимиз замонавий андозалар асосида бунёд этилган ушбу мажмуада ёшларнинг спорт билан шуғулланиши учун барча шарт-шароит мавжудлигидан мамнуният изҳор этди. Миллатнинг маънавий, жисмоний камолоти спорт билан бевосита боғлиқ. Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод", "Универсиада" мусобақалари ёшларимизнинг маънавий ҳамда жисмоний камолотга эришувида муҳим омил бўлмоқда.

– Юқори даражадаги билим ва салоҳиятга эга, жисмоний ва маънавий соғлом инсонда ғурур ва ифтихор ҳам юксак бўлади, – деди давлатимиз раҳбари. – Бундай ажойиб спорт мажмуаларини барпо этишдан мақсадимиз ҳам ўғил-қизларимизнинг ҳар томонлама етук инсонлар бўлиб вояга етишини таъминлашдан иборатдир.

Президентимиз бир гуруҳ спортчи ёшлар – талабалар билан суҳбатлашди. Уларнинг ўй-фикрлари, орзу-истаклари билан қизиқди.

– Бугунги замонда интеллектуал салоҳият, интеллектуал бойлик ҳал қилувчи кучга айланди, – деди Юртбошимиз. – Комил инсон ҳақида орзу қилар эканмиз, камолот ёшига етаётган ёшларимизнинг мана шу жиҳатларига алоҳида эътибор қаратмоғимиз лозим.

Ҳафта давомида тўрт мингга яқин киши спорт билан мунтазам шуғулланиши мумкин бўлган ушбу йирик мажмуа нафақат талабалар, балки яқин атрофдаги "Зиё", Мирзо Ғолиб, Беруний маҳаллалари болалари, 249- ва 326-мактаб ўқувчиларига ҳам хизмат қилади.

Талабалар шаҳарчасида амалга оширилаётган бундай бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари ёшларимизда мустақил фикрнинг шаклланишида, илмга бўлган қизиқишнинг кучайишида, қалбида она Ватанга, халқимизга меҳр-муҳаббатнинг мустаҳкамланишида муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Норали ОЧИЛОВ,
Анвар БОБОЕВ,
Воҳид ЛУҚМОНОВ,
ЎзА махсус мухбирлари.

МУКОФОТ МУБОРАК!

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2006 йил 25 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг ўн беш йиллиги муносабати билан фан, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, санъат, маънавият ва маърифат, оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги Фармонига биноан бир қатор юртдошларимиз Ватаннинг юксак мукофотлари — унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирландилар. Улар орасида Тошкент вилоятидан қуйидагилар бор:

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози»

Жаксиликов Нурлан Ибрагимович — Тошкент вилояти болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг эркин кураш бўйича бош мураббийи

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи»

Саидов Рустам Тўхтасинович — Тошкент вилояти ихтисослашган болалар ва ўсмирлар олимпия ўринбосарлари спорт мактабининг бокс бўйича мураббийи

«Фидокорона хизматлари учун» ордени билан

Каримов Муҳаммадали Абдуғаниевич — "Тошвилтранс" автомобилда йўловчи ва юк ташиш ҳудудий уюшмаси раиси, Осиё бокс федерацияси ва Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси вице-президенти

«Шуҳрат» медали билан

Алиева Жамила Фатхуллаевна — Тошкент вилояти Тошкент тумани ижтимоий-иқтисодий касб-ҳунар коллежи директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари

Муҳиддинова Матлуба Илёсовна — Тошкент вилоят онкология диспансерининг клиник-биохимия лабораторияси лаборанти

Тавбаева Маҳбуба Мирзаҳмедовна — Тошкент вилояти Ўртачирчиқ туманлараро силга қарши кураш диспансери ҳамшираси

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг еттинчи ялпи мажлиси тўғрисида

АХБОРОТ

дитлаш бўйича мажбуриятларни таъминлаш усули сифатида кўчмас мулк гаровини қўллашда вужудга келадиган муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишга қаратилганлигини кўрсатиб ўтдилар. Сенаторларнинг фикрича, айниқса, қишлоқда уй-жой қурилиши соҳасидаги бозор муносабатларини ривожлантиришнинг муҳим ҳуқуқий механизмига айланиши керак бўлган ушбу Қонунни маъқулладилар.

"Ҳакамлик судлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқиш чоғида янги Қонун ҳам доимий, ҳам муваққат ҳакамлик судларини ташкил этишни назарда тутиши кўрсатиб ўтилди. Қонун билан мустаҳкамлаб қўйилаётган низоларни ҳал қилиш тизимининг афзалликлари низолашаётган томонлар тадбиркорликнинг аниқ бир соҳасига ихтисослашган шахслар орасидан ҳакамлик судьяларини танлаб олишлари мумкинлигидан, низони ҳал қилишнинг соддалаштирилган тартиб-таомили жорий этилиши ва низонинг оператив ҳал қилинишидан, чиқимлар оз бўлишидан, ҳакамлик муҳокамасига тааллуқли ахборотнинг махфийлиги ва шу кабилардан иборат. Ҳакамлик судларининг ташкил этилиши суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларни чуқурлаштиришда, давлат ва жамият қурилишининг Президент Ислом Каримов таърифлаб берган устувор йўналишларидан бири бўлмиш "Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари" деган тамойилни амалга оширишда муҳим қадам бўлади. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан кейин "Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни маъқулланди. Сўзга чиққан сенаторлар ушбу Қонун қонун лойиҳаларини тайёрлаш ва Қонунчилик палатасига киритиш тартибини белгилашини, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектларининг қонун лойиҳаларини тайёрлаш соҳасидаги фаолиятини, қонун лойиҳаларини тайёрлаш чоғида фуқаролар ва нодавлат ташкилотлар билан давлат органларининг ўзаро муносабатларини тартибга солишини, қонун лойиҳаларига қўйиладиган талабларни белгилаб беришини кўрсатиб ўтдилар.

Сенаторлар "Фирма номлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ҳам кўриб чиқдилар. Ушбу Қонун фирма номи тушунчасини ва тузилишини, фирма номига бўлган ҳуқуқнинг мазмунини ҳамда фирма номларини муҳофаза қилиш, хусусан, фирма номига бўлган ҳуқуқларни суд томонидан ҳимоя қилиш билан боғлиқ бошқа жиҳатларни белгилаб беради. Қонуннинг қабул қилиниши фирма номларини муҳофаза қилиш ва ҳимоялаш учун, тадбиркорликни ривожлантириш, шунингдек, ғирром рақобат вужудга келишининг олдини олиш учун ишончли ҳуқуқий база яратилишини таъминлайди. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Олий Мажлис юқори палатасининг аъзолари "Фирма номлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар. Сенаторлар кўрсатиб ўтганларидек, ушбу Қонун билан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг ва "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг тегишли моддаларига киритилаётган ўзгартишлар фирма номларининг ҳуқуқий муҳофаза қилинишини таъминлаш учун шароит яратади ва уларни рўйхатдан ўтказиш тартиб-таомилини соддалаштиради. Қонун улар томонидан маъқулланди.

"Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини муҳокама қилиш чоғида сўзга чиққанлар томонидан ушбу Қонуннинг хавфли ишлаб чиқариш объектларида хавфсизликни ва уларни ишлатувчи ташкилотларнинг аварияларни локаллаштиришга ва оқибатларини тугатишга тайёрлигини таъминлашдаги аҳамияти кўрсатиб ўтилди. Шу билан бирга Қонунда хавфли ишлаб чиқариш объектини барпо этиш ва унинг амал қилишидаги лойиҳалашдан бошлаб то объектни ишлатишни тўхтатишгача бўлган ҳамма босқичлар учун саноат хавфсизлиги талаблари белгиланади. Сенаторлар Қонунни маъқулладилар.

Парламент юқори палатасининг аъзолари солиқ маслаҳати соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга соладиган "Солиқ маслаҳати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини муҳокама қилиб ва маъқуллаб, Қонун солиқ маслаҳатини амалга ошириш ҳамда мустақил молиявий назорат тизимининг амал қилиши билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишини кўрсатиб ўтдилар. Ушбу Қонуннинг қабул қилиниши мулкдор билан давлатнинг мулкий манфаатларини, хўжалик юритувчи субъектларнинг, шу жумладан микрофирмалар ва кичик корхоналарнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга ёрдам беради. Бу эса уларнинг ривожланишини рағбатлантирувчи қўшимча чора бўлади.

Шундан кейин сенаторлар автомобиль транспортида йўловчи ташиш соҳасидаги фаолиятни тартибга солиш, автомобиль транспорти хизматларидан фойдаланадиган фуқаролар ҳаётининг хавфсизлигини ва уларнинг саломатлигини таъминлаш, шундай хизматлар сифатини ошириш мақсадида ишлаб чиқилган "Шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини маъқулладилар.

"Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси га, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига ва "Нотариат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини муҳокама қилиш чоғида Қонун автомототранспорт воситаларини сотиб олиш, рўйхатдан ўтказиш, бу воситаларни ижарага бериш ва бошқа шахсларга бериш соҳасида вужудга келадиган ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиши, бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларга эга бўлмаган шахсларнинг автомототранспорт воситаларини бошқарганлик учун жавобгарлигини назарда тутиши кўрсатиб ўтилди. Сенаторлар Қонунни маъқулладилар.

2006 йил 5 майдаги "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ ишлаб чиқилган "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7-моддасига қўшимча киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни муҳокамадан сўнг маъқулланди. Сенаторлар киритилаётган қўшимча тижорат банкларига "Микрокредитбанк"нинг устав капиталида иштирок этиш учун шароит яратишини таъкидладилар. Бу эса пировардида кичик бизнес, тадбиркорликнинг ривожланишига ёрдам беради.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати еттинчи ялпи мажлисининг биринчи иш куни тугади.

Сенат 2006 йил 26 августда ўз ишини давом эттиради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг матбуот хизмати.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Оҳангарон тумани:

ИСТИҚБОЛ САРИ ҲАР КУН БИР ҚАДАМ

Мустақилликнинг 15 йиллигига

2. КИШИЛАРИ ТАДБИРКОР ЮРТ

«Демир-Текстиль» Оҳангарон туманидаги қўшма корхоналардан бири. Туркиялик ҳамкорлар билан 2005 йилда ташкил этилган бу корхона асосан пахтадан ип-калава ишлаб чиқаришга мўжалланган.

Маҳсулот ишлаб чиқарила бошланганига ҳали кўп бўлмаса-да, бу ерда йигирилган калавалар аллақачон жаҳон бозорига чиқиб улгурди. Масалан, 2006 йилнинг олти ойи мобайнида 1 миллиард 38 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, шундан 36 минг АҚШ доллари миқдоридагиси четга экспорт қилинди.

Ҳозир корхона фаолиятини кенгайтириш, маҳсулот турини кўпайтириш бўйича янги лойиҳалар устида ишланмоқда. Хусусан, айни кунда янги тўқув цехида сўнгги монтаж ишлари бормоқда. Цех иш бошлагач, корхона ишчилари 250 нафарга кўпаяди. Ушбу янги тўқув цехида асосан катталар ва болаларнинг ички ҳамда спорт кийимлари тўқилади.

Янги тармоқ иш бошлашидан олдин 15 нафар маҳаллий аҳоли Туркия давлатига малака ошириш учун юборилади.

Тумандаги «Эйвалекмахсустемирбетон» очиқ акциядорлик жамиятида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳам мамлакатимиздаги темир йўл қурилишларида асқотмоқда.

СУРАТЛАРДА: «Демир-Текстиль» қўшма корхонаси ип йигирувчиси Севара Усмонова замонавий дастгоҳ ёнида; «Эйвалекмахсустемирбетон» АЖ цех бошлиғи Бургутбой Каликаев ишчи Света Ябловская билан иш унумдорлиги хусусида сўзлашмоқда.

— Бу ерда асосан темир йўл шпаллари тайёрланади, — дейди корхона раҳбари Ф. Зиёвиддинов. — Шунинг учун асосий харидоримиз «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик компаниясидир.

Бугунги кунда энг арзон юк ташиш воситаси бўлган темир йўл транспортини ривожлантириш бўйича юртимизда олиб борилаётган кенг қамровли ишларни ушбу корхона мисолида ҳам кўриш мумкин. Масалан, шу йил бошидан буён 18,4 минг тонна темирбетон шпаль ва 4 минг тонна темир-бетон қувурлар ишлаб чиқарилди.

Оҳангаронда йирик саноат корхоналари кундан-кунга ривожланиб бормоқда. Шу билан бирга кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ҳам кенг қулоч ёймоқда.

— Тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш мақсадида «Барака» кредит уюшмасига аъзо бўлдим, — дейди Ҳалимахон Холдорова. — Шундан кейин бир йил муддатга кредит олдим ва нон ишлаб чиқариш цехини очдим. Ҳозир ўзим яшайдиган Собир Раҳимов номли маҳаллани нон маҳсулотлари билан таъминлаяпман.

Бундай ишбилармон аёллар туманда кўпайиб бораяпти. Теловлик Буалия Мусурмонова гилам тўқиш цехини очиб, ишсиз аёлларни атрофига тўплади. Қорахитойлик Собида Қудратова хусусий ўқув марказини очиб, аёлларга бичиш-тикиш сирларини ўргатмоқда.

Оҳангаронликлар ишбилармон киши ҳеч қачон хор бўлмаслигини, ҳунари туфайли рўзғори бут бўлишини, бунинг учун эса, истиқлол берган имкониятлардан эмин-эркин фойдаланиш лозимлигини аллақачон англаб етишган. Шунинг учун ҳам ҳар соҳада ўзгариш, ривожланиш юз бермоқда.

Ахир, Мустақилликни мустаҳкамлаш, уни асраб-авайлашнинг бош шарти ҳам ишбилармонлик эмасми?

3. БУ ЗАМИННИНГ ДЕҲҚОНЛАРИ БОЙ

Оҳангаронда қишлоқ хўжалигининг қатор сердаромад тармоқлари яхши ривожланган. Шу туфайли, бу заминнинг деҳқонлари бой, одамларининг назари тўқ, эртанги кунга ишонч ва эътиқоди мустаҳкам.

Бу йил оҳангаронлик деҳқонлар эл-юрт хирмонига 17 минг тоннадан ортиқ буғдой тўкдилар. Пиллакорлар 40900 килограмм кумуш тола етиштириб, контрактация шартномасини ёруғ юз билан адо этдилар. Туманда боғдорчилик, сабзавотчилик ва картошкачилик бўйича ҳам кўзланган марралар эгалланмоқда. Мавжуд 622 гектар ҳосилли боғлардан ўртача 110 центнердан ҳосил олинаяпти. Мавсум якунигача салкам 7000 тонна мева аҳоли дастурхони ва қайта ишлаш корхоналарига, шунингдек, соғлиқни сақлаш ва таълим муассасаларига жўнатилиши режалаштирилган. Соҳибкорлар 120 гектар узумзордан 1200 тоннадан ошириб ҳосил олишни мўлжаллашмоқда. Шунингдек, 2500 тоннадан ортиқ картошка, 1054 гектар майдонда эса сабзавот етиштирилаётир. Уларни сотиш бўйича қатор қайта ишлаш корхоналари ҳамда Ангрен, Олмалиқ ва Оҳангарон шаҳарларидаги деҳқон бозорлари билан шартномалар тузилган.

Бу жабҳада қўлга киритилаётган ютуқларнинг бош омили — фермерлик ҳаракатини тўла шаклланиб, жадал ривож топаётганидир, десак хато қилмаган бўламиз. Чунки, ҳозирги кунда етиштирилаётган барча маҳсулотларнинг 75-80 фоизи жамиятнинг истиқболли мулкдорлари ҳиссасига тўғри келаётир.

Бугунги кунда бу ерда ғаллачилик ва сабзавотчилик йўналишида 774 та, боғдорчиликда 316 та, чорвачиликда 67 та фермер хўжалиги фаолият юритаётир. Улар ихтиёридаги экин майдонлари қарийб 31 минг гектарга етиб қолди.

Шу ўринда тумандаги илғор фермерларнинг айримлари хусусида икки оғиз сўз. Замон талаби ва эҳтиёжига мос иш юритиб, бугун анча кўзга кўриниб қолган Абдукарим Ўролов бошчилигидаги «Абдумутал» фермер хўжалиги шундайлардан биридир. У Мустақилликнинг дастлабки йилларида ташкил топиб, бугун ўзига хос ривожланиш ва юксалиш йўлини босиб ўтди.

— Ўтган йиллар мобайнида экин майдонларимизни 60 гектарга етказдик, — дейди фермер. — Шунга яраша самарадорлик ҳам ошмоқда. Ўтган йилни 15,6 миллион сўм соф фойда билан якунладик. Бу йил эса бу кўрсаткич 25 миллионга етиши кутиляпти.

Фермер хўжалиги ғалладан бу мавсум ҳам мўл ҳосил етиштирди. Унинг 72 тоннаси давлат эҳтиёжлари учун сотилган бўлса, 35 тоннаси фойдага қолди.

Хўжаликнинг яна бир тармоғи чорвачиликдир. Ҳозир бу ерда 40 бош қорамол парваришланмоқда. Ўтган 6 ой мобайнида 4 миллион сўмлик гўшт етказиб берилди.

Тумандаги чорвачиликка ихтисослашган «Илҳом» фермер хўжалигига ҳам кўпчилик ҳавас қилади. У бундан ўн йилча аввал 9 гектар ер ва 30 бош қорамол билан иш бошлаганди. Бугунга келиб, унинг ихтиёридаги ерлар 108 гектарга, қорамоллар 250 бошга етди.

— Мустақиллик ишлайман деган инсонга барча имконият ва имтиёзларни яратиб берди, — дейди фермер Илҳом Жўраев мамнунлик билан. — Истардимки, ҳар ким бу жараёнларда фаол иштирок этса, ўзига ҳам, эл-юртга ҳам наф келтирса, ҳеч ким четда турмаса.

Чиндан ҳам, фермернинг фаолиятидан бугун кўпчилик мамнун. Маҳалла вакилларининг бир қисми шу ерда доимий иш билан банд. Йил бошидан бери аҳоли ва корхона-ташкилотлар эҳтиёжи учун 35 тоннадан ортиқ гўшт етказиб берилди. Яна бу ерда зотли моллар кўпайтирилиб, тирик вазнда сотиляпти. Фермер ўз ҳиммати билан боқувчисини йўқотган икки оилага бир бошдан она-бола сигир туҳфа этди.

Деҳқони бой юрт обод бўлади, дейишади. Оҳангаронлик деҳқонлар, ер эгалари, чорвадорлар юрт ободлиги, маъмурчилигига қўшаётган ҳиссаларидан ҳар қанча фахрлансалар арзийди.

СУРАТЛАРДА: фермер Абдукарим Ўролов; «Илҳом» фермер хўжалигида наслчиликка катта эътибор қаратилмоқда.



Учрашувлар, мулоқотлар

ИМКОНИЯТЛАР ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

"Биз кўзлаган манзиллар" каби мавзуларда анжуман, мулоқот, давра суҳбатлари ўтказдилар.

Биргина шу ҳафта мобайнида ташкил этилган тадбирларни олайлик. "Тонг юлдузи" газетаси муҳаррири, шоира Умида Абдуазимова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Тоҳир Саидов, Республика ёш мақомчилар кўрик-танлови ғолиби Илёс Арабов Янгийўл шаҳридаги ҳарбий хизматчилар билан "Миллий армиямиз – мустақиллигимиз таянчи" мавзусида диллашдилар. Оққўрғон туманидаги "Азизбек умр" фермер хўжалиги дала шийпонида ва "Уста Нормат" маҳалласи гузарида ўтган "Эъзоздаги олий қадрият" анжуманида Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир, "Қишлоқ ҳаёти" газетаси бош муҳаррири, шоир Ўткир Раҳмат, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Аҳмаджон Дадаев қатнашдилар. Бўка туманидаги "Нуронийлар боғи"да эса Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Қурсия Эсонова, Равшан Солиҳов, шоирлар Шавкат Туроб, Зарифа Эралиева қилинди. Шу билан бир қаторда сўзга чиққанлар Истиқлолдек олий неъматни асрай билиш лозимлиги, тарихий ютуқларимиздан фахрланиш билан бирга мавжуд имкониятларни қўлдан бой бермаслик зарурлиги, давлатимиз қудрати ва шуҳратини ошириш учун қилажак ишларимиз кўп эканлиги ҳақида ҳам гапирдилар.

(Давоми. Боши 1-бетда).

– Саксонга бориб қолган бўлсамда ҳали ҳам ишлаяпман, – деди Бўкадаги учрашув чоғида Бону ая Бадамшина. – Лекин собиқ тузум давридаги меҳнат қаёқда-ю, ҳозиргиси қаёқда. Бу ўзгаришларнинг қадрига ета билиш керак. Кечагина фермер деган сўзнинг мағзини чақа билмас эдик, бугун ҳамқишлоқларимиз фермерлик қилаяпти. Аммо ерга эгалик қилиш билан уни тўлиқ ишлата билиш ўртасида катта фарқ бор. Шуни тушуна билганларнинг юзи ёруғ, англаб етмаганларнинг бети шувут бўлаяпти. Менинг ёшимга етганда, кейинги авлод юзига тик боқишни истаганлар Мустақиллик берган имкониятларни юзага чиқара олиши керак!

– Иккинчи жаҳон уруши қатнашчисиман, – деди шу тадбирда сўз олган Мавлон бува. – Ёшларга айтар гапим бор: биз кўрган хунрезликларни сиз кўрманг. Бунинг учун аввало Истиқлолнинг қадрига етинг, она Ватаннинг муносиб ўғлонлари бўлинг, турли тажовузлардан, нопок назарлардан уни асрай билинг.

Суҳбатлар мушоирага, куй ва қўшиқларга уланди.

Байрамолди тадбирлар давом этмоқда. Хусусан, навбатдаги ижодий гуруҳ бугун вилоятнинг энг чекка ҳудуди – Бўстонлиқ туманидаги Пском қишлоғига йўл олган.

Тўнғич БЕК.

***СУРАТЛАРДА:** Бўка туманидаги "Нуронийлар боғи"да ўтган тадбир лаҳзалари.*

Даврон АҲМАД олган суратлар.

Пахтачиликда муҳим палла

Асл деҳқончилик қуруқ меҳнатга эмас, чинакам уқув, билим ва тажрибага таянади. Шу маънода ҳар бир мавсумнинг, хусусан пахтачиликда август ойининг алоҳида масъулияти, аҳамияти бор. Бу паллада вақтни бой берган, асад имкониятларидан фойдаланмаган пахтакор ҳосилни кўпайтиролмайди, аксинча, борини ҳам йўқотиши аниқ. Чунки, тажрибадан аёнки, айни шу кунларда тупроқ намлиги меъёрида сақланмаса, ҳар туп ғўзанинг ҳолати эътиборда бўлмаса, ҳосил тугунчалари тўкилиб, йўқ бўлиши мумкин.

— Мамлакатимизда август ойининг бошларидан «Ғўза парваришида зарбдор 20 кунлик»нинг эълон қилиниши айни муддао бўлди, — дейди Қуйичирчиқ туманидаги «Алдиёр ота» фермер хўжалиги раҳбари Эржон Алдиёров. — Айни шу кезлар барча куч ва имкониятларимизни агротехник тадбирларни меъёрига етказиб, муккаммал ўтказишга сафарбар этдик. Очиғи, эртага юзим ёруғ бўлсин, деган деҳқон борки, ҳосил тақдири ҳал бўлаётган дамларда бироз ҳаловатдан, керак бўлса, уйқудан ҳам кечиши лозим. Масъулиятни ҳис этиб, туну кун экин қаршисида парвона бўлдик. Ҳар туп ғўза назаримиздан четда қолмади. Таъбир жоиз бўлса, экин қатор ораларини худди китобдек, бирма-бир варақлаб чиқдик. Асад сувига қондирдик, зараркунанда ҳашаротларга қарши асосан биологик, заруур ҳолатларда кимёвий йўл билан кескин курашдик. Буни қарангки, қисқа вақт ичида ғўзаларимиз мўл ва соғлом ҳосил тўплади. Кўп бора таъкидланаётганидек, август ойидаги зарбдор меҳнат пахтадан юқори ҳосил олиш гарови эканлигига яна бир бор амин бўлдик.

Фермер ҳақ гапни айтди. Ҳозир унинг ихтиёридаги 54 гектар майдонда ғўзанинг ҳолати ҳавас қилгулик. Бу мавсум хўжалик аъзолари ҳосилдорликни 30-32 центнерга етказишни мақсад қилишди.

— Бунинг учун хўжалигимизнинг 25 нафар аъзоси бир тану жон бўлиб курашаяпмиз, — дейди сувчи Шерали Дадабоев.

Дарҳақиқат, хўжалик деҳқонлари олдида масъулиятли мавсум турибди. Улар ўз меҳнатлари эвазига етиштирилган ҳосилни қисқа муддатда саранжомлаб олиб, мамлакатимиз «оқ олтин» хирмонига муносиб улуш қўшиш ниятидалар.

Ғайрат РАҲМАТУЛЛАЕВ.

***СУРАТДА:** фермер Эржон Алдиёров ҳосил чўғидан хурсанд.*

Даврон АҲМАД олган сурат.

ВАҚТНИ БОЙ БЕРГАН ҲОСИЛНИ ЙЎҚОТАДИ

4. ИЗЛАНИШ БОР ЖОЙДА ЯНГИЛАНИШ БОР

– Мустақилликнинг қадрини, унинг моҳиятини энди тўла тушуниб етаяпмиз, – дейди Оҳангарон тумани 8-умумтаълим мактаби география ўқитувчиси Рустам Толипов. – Нима учун? Чунки, инсон қилган меҳнатининг самарасини кўрса, қадрию қадди тикланиб, эл-улус олдида юзи ёруғ бўлиб, жамиятда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асл мағзини тушуниб етар экан.

Мустақилликнинг 15 йиллигига

Оҳангарон тумани:

ИСТИҚБОЛ САРИ ҲАР КУН БИР ҚАДАМ



Мени «Дўстлик» ордени билан тақдирлашганда теран англадимки, мустақил юртнинг ҳар бир фуқароси, унинг қадр-қиммати, ҳақ-ҳуқуқлари, эркинлиги доимо ҳимояда, эътиборда экан.

Дарҳақиқат, Мустақиллик берган буюк неъмат ҳам аслида шу.

Бугун нафақат педагог ходимлар, балки жамиятнинг ҳар бир жабҳасида юрт равнақи учун ўз ҳиссасини қўшаётган инсон борки, эътибордан четда қолаётгани йўқ. Энг асосийси — бугун жамият, давлат янгиланмоқда. Ёнатроф ўзгача чирой, тароват касб этмоқда.

Оҳангарон тумани халқ таълими бўлимига қарашли муассасалардаги бугунги жараёнларга назар ташласак, кўплаб моддий ва маънавий янгиланишларга гувоҳ бўламиз.

Беш йилга мўлжалланган давлат дастурига асосан тумандаги қарийб 20 га яқин мактабни реконструкция қилиш ва капитал таъмирдан чиқариш мўлжалланган. Ҳадемай ўнга яқин янгича қиёфа ва замонавийлик касб этган ўқув даргоҳлари ўз ўқувчиларини бағрига олади.

Таълим жараёнлари, ўқитиш услублари такомиллашаётганлигини биз ўқувчилар эришаётган муваффақиятларда кўрдик. Масалан, 32-умумтаълим мактаби ўқувчиси Дилнора Жуманқулова шу йил бўлиб ўтган фан олимпиадасининг вилоят босқичида биринчи ўринни қўлга киритди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Аммо, энг асосийси, ёшлар тарбияси, уларнинг камолоти йўлида олиб борилаётган саъй-ҳаракатларнинг кутилган самарани бераётганидир.

Халқ саломатлигини сақлаш йўлида олиб борилаётган ислоҳотлар натижалари ҳам бугун таҳсинга лойиқдир. Масалан, «Бирлик» қишлоқ шифокорлик пункти ўтган йили тўла таъмирдан чиқарилди. Бунинг учун давлат бюджети ва ҳомийлар томонидан 162 миллион сўм маблағ сарфланди. Бундан ташқари 35 миллион сўмлик тиббий асбоб-ускуналар ўрнатилди ҳамда мослаштирилган «Дамас» русумли «тез ёрдам» машинаси харид қилинди.



СУРАТЛАРДА: *«Умид ниҳоллари – 2006» мусобақаси ғолиби, спорт усталигига номзод Шукрулло Бойғозов устози Отабек Маҳамадиев билан кураш майдонида; марказий шифохонанинг аҳил жамоаси туну кун беморлар хизматида.*

Шундан кейин бу ерда беморларга тўла ташҳис қўйиш ва даволаш имконияти пайдо бўлди.

Айни кунда тумандаги бошқа қатор тиббий муассасалар ҳам замонавий қиёфада таъмирланмоқда ва жиҳозланмоқда. Жумладан, туман марказий шифохонасининг туғруқ мажмуасига 21,5 миллион сўм, марказий поликлиникага 200 миллион сўм, болалар поликлиникаси учун 70 миллион сўм маблағ ажратилди ва қурилиш ишлари якунига етай деб қолди. Ушбу муассасаларни Мустақиллик байрами кунлари фойдаланишга топшириш режалаштирилган.

Ҳомийлар ва шифокорлар йилида тумандаги барча ташкилот ва муассасалар ўзларининг дастурларини тузиб, шунга мувофиқ амалий ишларга қўл уришаяпти. Масалан, «Тадбиркор аёл» уюшмаси фақат тадбиркор аёлларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан чекланиб қолмай, тумандаги барча маънавий-маърифий тадбирларда ҳам фаол иштирок этмоқда.

Туманга сафаримиз чоғида шу нарсага амин бўлдикки, ҳаракат бор жойда самара бор, изланиш давом этаётган жойда янгиликлар юз очмоқда. Бу эса, кишиларда эртанги кунга ишончни кучайтирмоқда.

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ, Равшан ЁҚУБЖОНОВ, Даврон АҲМАД (суратлар), «Тошкент ҳақиқати» мухбирлари.

Ҳомийлар ва шифокорлар йили

Шундай бўладики, узоқ йўл юриб, бир муюлишдан ўтсанг, рўпарангда минг хил рангда товланиб турган гулзор пайдо бўлади. Кўнглинг кўтарилиб, чарчоқни унутасан, қадамларинг енгил тортади.
Бу гал ҳам шундай бўлди. Икки бетида дарахтзорлар кўкка бўй чўзган йўлакдан бораётсак, дарвоза пештоқидаги рангли лавҳа узоқдан кўзга ташланди: «Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 15 йиллиги».

ҚИШЛОҚҚА ЗАМОНАВИЙ АППАРАТЛАР

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши навбатдаги ҳайрия тадбирини ўтказди. «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» Давлат дастури доирасида уюштирилган ушбу саъй-ҳаракат қишлоқ врачлик пунктлари фаолиятини янада яхшилашга қаратилди.

Вилоятдаги учта қишлоқ врачлик пунктининг ҳар бирига 10 миллион сўмлик замонавий тиббий асбоб-ускуналар совға қилинди. Паркент туманидаги Намданак шифохонаси эса фотоэлектрокалометр, кардикс аппаратларига эга бўлди.

Акбар АЛИЕВ.

БИР ДАСТА ГУЛ

Бу — вилоятимиз марказий шифохонасининг дарвозаси. Остона ҳатлаб ўтишингиз билан соя-салқин боққа кириб борасиз. Сўриларда шарбат тўплаётган узум бошлари, сув сепилган, ораста йўлакнинг икки томони — гулзор. Яқин ўтмишда бу ҳовлига кирганим бор. Ўшандаги манзара билан бугунги ҳолатни асло муқояса қилиб бўлмайди. Биноларга ҳам оро берилиб, таъмирланган. Хушҳаво, соя-салқин боғ беморларга ором бағишласа, ширинсўз, ҳамиша хизмат устида дилгир шифокорлар, ҳамширалар ва бошқа ходимларнинг муомаласи, муолажаю саъй-ҳаракатлари ҳар қандай дардни енгиллаштириб, узил-кесил даволаб юборади.

— Шифохонамизда касалликларга даво излаб, одамлар соғлигини тиклашда бой тажриба тўпланган, — дейди вилоят марказий шифохонаси бош шифокори Дилором Юсупова. — Бизга вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларидан оғир дардга чалинган беморларни олиб келишади. Болалар касалликлари бўлими мудираси Мавжуда Юнусова, кардиология бўлими мудираси Лариса Евдокимова, пульмонология бўлими мудираси Клара Алимбоева, физиотерапия бўлими мудираси Муқаддас Камолованинг малакаси, беморларни даволашни ташкил этиш маҳорати ҳақида кўп гапириш мумкин.

Дарҳақиқат, беморларга бу шифохонада ҳамиша малакали тиббий ёрдам кўрсатилади. Аввало, касалликни аниқлаш, тўғри ташҳис қўйиш учун шифохона замонавий асбоб-ускуналар ва тиббий-ташҳис воситаларига эга эканлигини алоҳида таъкидлаш керак.

Саҳна санъати намояндалари орасида: «Театр кийимхонадан бошланади», деган гап бор. Шифохона эса, касалларни қабул қилиш хонасидан бошланади. Уни яқингача тажрибали ва ҳаракатчан шифокор Муяссар Юсупова бошқарарди. Бу ердаги муҳит, муомаланинг ўзиданоқ оғир дард билан остона хатлаб кирган бемор енгил тортади, десак муболаға бўлмас.

— Устоз шифокор Мунира Қобиловани яқинда иззат-ҳурмат билан пенсияга кузатдик, — дейди бош шифокорнинг даволаш ишлари бўйича ўринбосари Холида Шоносирова. — Шу муносабат билан Муяссархонни поликлиника бўлими мудирлигига ўтказдик.

Шифохонада ходимларнинг малакаси муттасил ошириб борилади. Бунда Республика врачлар малакасини ошириш институтининг профессорларидан Бахтиёр Ғофуров, Шомурод Носиров раҳбарлик қилаётган неврология ва фармокотерапия кафедралари шу шифохона қошида жойлашганлиги ҳам кўл келмоқда. Даволаш-муолажа жараёнларидаги фавқулоддда ҳолатларда юқори малакали мутахассислар ҳамиша ёрдамга келишади. Қайта тайёргарлик, билим ва малакаларни шаҳодатлаш шифокорлар ўз устларида муттасил ишлашлари, ташҳис-даволашнинг энг замонавий усул ва воситаларини муттасил эгаллаб боришларига ёрдам бераётир.

Ҳомийлар ва шифокорлар йилида марказий шифохонада ҳам ибратли тадбирлар амалга оширилляпти. Шифокорлар малака ва меҳнатларига қараб рағбатлантирилмоқда. Айни пайтда «Нуроний» ва «Соғлом авлод учун» жамғармаларининг вилоят кенгашлари, бошқа саховатли ташкилотлар шифохонага зарур ёрдам кўрсатишмоқда. Римма Ким раҳбарлигида пулли хизмат йўналишидаги саъй-ҳаракатлар ҳам шифохонанинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаб боришга ёрдам кўрсатаётир.

Бу ерда ўз дардларига даво топган Саломат ва Ришод Зокировлар, Ҳамидулла Насруллаев ёки Тўлаган Халилов билан суҳбатлашилса, иш устида кеча-кундуз ҳаракатдаги ширинсўз шифокорлар ҳақида дил сўзларини кўп эшитасиз.

— Ишчан ходимларни маънавий ва моддий рағбатлантириш ҳамиша эътиборда, — деди марказий шифохона касаба қўмитасининг раиси Татьяна Глушченко. — Улар вақтивақти билан мукофотлар олишаётир. Кўп йиллик хизматлари учун фахрий ёрлиқлар билан тақдирланаётган шифокорларимиз ҳам оз эмас.

Марказий шифохона эшигидан кечки пайтлари ўтиб қолсангиз, кўпинча бир даста гул кўтариб дарвозадан шодон-хушҳол чиқиб келаётган шифокорларга кўзингиз тушади. Чақноқ кўзлар, хушнуд чеҳралар сизнинг ҳам баҳридилингизни яйратиб, кўнглингизни кўтариб юборади. Бу — шу бир даста гул қувончи.

Жўра САЪДУЛЛАЕВ, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.

Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Маълумки, иқтисодиётнинг ушбу секторини қўллаб-қувватлаш ва янада кенгайтириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

ТАДБИРКОР МАНФААТИНИ КЎЗЛАБ

Сўнгги йилларда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратишга йўналтирилган қатор қарорлар қабул қилинди. Ўзбекистон Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартибини жорий этиш тўғрисида»ги қарори бу соҳада қўйилган илдам қадам бўлди. Қарорга мувофиқ, жорий йилнинг 1 сентябридан бошлаб юртимизда тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш тартиби анча соддалаштирилади. Олмалиқ шаҳар ҳокимлигида Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитасининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси, Савдо-саноат палатаси ҳамда Адлия вазирлиги ва Халқаро молия корпорацияси билан ҳамкорликда ўтказган ўқув-семинар айнан шу мавзуга бағишланди.

— Тадбирдан мақсад қарорнинг мазмун-моҳиятини чуқурроқ тушунтириш, — деди монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси бош мутахассиси Наргиза Зокирова. — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда мазкур қарор меъёрларини ўқитиш бўйича жадваллар ишлаб чиқиб, юртимиз вилоятлари, шаҳар ва туманларида махсус ўқув семинарлари ўтказилмоқда. Ўқув машғулотларида туман, шаҳар ҳокимликлари қошидаги рўйхатга олиш инспекцияларининг барча ходимлари, туман ва шаҳар статистика, солиқ органлари ходимлари, ахборот — маслаҳат марказлари ходимлари иштирок этиб ўзларига керакли бўлган билимларни эгаллашмоқда.

Янги тартибга биноан, тадбиркорлар ариза-ҳужжатларни топшириб, тадбиркорлик субъектини давлат рўйхатига олиб, бу ҳақдаги гувоҳномани беришгача бўлган муддат кўпи билан икки иш кунини ташкил этади. Рўйхатга олувчи идоралар тадбиркорлик субъектларини хабардор қилиш масаласида давлат рўйхатига олиш учун зарур бўлган статистик кодлар, келтирилган статистик классификаторлари мавжудлиги 2006 йил 1 сентябрдан бошлаб тўлиқ таъминланади. Унгача тадбиркорлик субъектлари томонидан корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат рўйхатидан айнан бир хил фирма номлари мавжуд эмаслиги тўғрисидаги маълумот олиш, сўровномаларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш учун зарурий моддий-техник базалари яратилади.

— Мазкур қарор айниқса, инспекция ходимларига катта масъулият юклайди, — деди семинар иштирокчиси Ангрен шаҳар давлат рўйхатидан ўтказиш инспекцияси бошлиғи Зикриллохон Қодиров. — Юртимизнинг тобора гуллаб-яшнашида тадбиркорлик ҳаракатининг муҳим аҳамиятга эга экани ҳаммага аён бўлиб қолди. Давлатимиз раҳбари олиб бораётган бугунги сиёсат ҳам шунга қаратилган. Ўқув-семинарда тўпланган билимлар солиқ, рўйхатга олиш, статистика идоралари ходимларининг кейинги фаолиятида дастуриламал бўлади, деб ўйлайман.

Сурайё НАЗАРХЎЖАЕВА, «Туркистон-пресс».



ЎЗИМИЗДАН ЧИҚҚАНИГА НЕ ЕТСИН!

Аччи қишлоқ фуқаролар йиғини Оққўрғон туманининг энг чекка ҳудудларидан биридир. Яқинда бу ердаги Қиргули маҳалласига Қорақалпоғистондан Усмон Бегимов оиласи билан кўчиб келди.

У киши тез орада қишлоқда «уста Усмон» деб ном чиқарди. Чунки Усмон аканинг ясаган мебеллари чет элникидан ҳеч қолишмасди. У республика халқ усталари ва ҳунармандларининг «Ҳунарманд» уюшмаси аъзоси, махсус гувоҳномага эга. 1985 йилдан бери шу касбни улуғлаб, ҳалол меҳнати билан рўзғорини тебратиб келади. Умр йўлдоши Гулсарахон Ортиқова ҳам 2005 йилдан шу уюшмага аъзо. Уларнинг қўлидан чиқаётган мебеллар ҳам сифатли, ҳам бирмунча арзон.

— Биз билан ҳамкорлик қилмоқчи бўлган тадбиркорларга сифатли мебелларни шартнома асосида етказиб беришга тайёрмиз, — дейди уста. — Бундан ташқари, ёшларга ҳунармандчиликдан сабоқ беришни ҳам йўлга қўйдик.

СУРАТЛАРДА: *Усмон Бегимов турмуш ўртоғи билан тайёр маҳсулотни кўздан кечиришмоқда.*

Пардабой ЭРГАШЕВ олган суратлар.

Касбим — фахрим

ОҚҚОВОҚЛИК ЧЕВАР

Қибрай тумани Оққовоқ қишлоқ фуқаролар йиғини «Ботаника» маҳалласидаги тикувчиликка ихтисослашган ўқув устахонаси ҳудуднинг файзли, кўркам ҳамда обод масканига айланган. Унинг раҳбари Мавлуда Темурбоевани айни ишдан қўли бўшаган маҳалда учратиб, суҳбатга тортдик.

— Мавлуда опа, нима деб ўйлайсиз, бугунги кунда тикувчилик касбининг мавқеи қай даражада, назаримизда унга нисбатан эҳтиёж камайгандек...

— Тўғри, аввалги вақтларга қараганда талаб сусайгани рост. Бунинг боиси бор, албатта. Бозорларимизда, дўконларимизда тайёр ҳолдаги кийим-кечаклар тўлиб кетган. Уларнинг баъзилари хориж ва қўшни давлатлардан келтирилаётир. Айрим маҳсулотлар истеъмолчилар эҳтиёжини қондирса, баъзиларининг сифатсизлигидан асаблар таранг тортилади. Уни сотиб олган мижоз эса, на кия олади, на ташлаб юборади. Икки ўртада чўнтакка зиён. Ана шу вақтда тикувчини ҳам эслаб келадиганлар бўлади.

Қадимдан эркаклар темирчилик ва деҳқончилик билан шуғулланишган бўлса, аёллар тикувчилик билан банд бўлишган. Бундан кўринадики, илдизлари қадимга бориб тақалувчи бу касбнинг бугун ҳам ўрни бўлакча.

— Устахонангиздаги иш жараёни билан таништирсангиз.

— Бу ерда талаба қизларни ўқитиш билан бирга, уларга ишлаб чиқариш жараёнларини ўргатиш ҳамда маҳаллий аҳолига хизмат кўрсатиш ишлари олиб борилади. Талабалар учун ҳафтада бир соатлик тўгарак ташкил этилган. Машғулотлар бепул ўтказилади. Ундан ташқари, хотин-қизлар учун 3, 6 ой ҳамда бир йиллик ўқув курслари мавжуд. Кам таъминланган оила фарзандларига алоҳида имтиёзлар ҳам бор. Ўтган йилнинг ёз ойида яхши бир ташаббус билан чиққан эдик. Маҳалладаги кам таъминланган оилаларнинг 8 дан 17 ёшгача бўлган қизларини тўпладик. Уларни уйда бўш ўтирмаслиги учун юмшоқ ўйинчоқлар ҳамда бисер тикишга бепул ўргатдик. Бу йил ҳам шундай ишлар амалга оширилмоқда.

Ҳозирда эркаклар, аёллар ва болалар кийимлари тикилмоқда. Улар асосан баҳор, ёз ва куз мавсумига мўлжалланган.

— Яқин келажакдаги режаларингиз билан ўртоқлашсангиз.

— Маҳалла ҳудудида кўп тармоқли маиший хизмат уйини очиш режамиз бор. Ишимиз осон кўчиши учун «Меҳр нури» республика хайрия жамғармаси томонидан таъсис этилган танловларда иштирок этмоқчимиз. Агарда тақдим этган лойиҳаларимиз, бизнес-режаларимиз ташкилотчиларга маъқул келса, белгиланган миқдордаги грантларни ютиб олишимиз мумкин. Бу фаолиятимизнинг кенгайишига катта туртки бўлади, албатта.

Хуршида НАЗАРОВА суҳбатлашди.

Чирчиқ шаҳридаги ижтимоий-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида «Истиқлол менинг тақдиримда» байрамолди учрашуви ўтказилди. Унда Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фаоллари, вилоят академик лицей ва коллежлари, халқ таълими намоёндалари иштирок этишди.

ПАРТИЯДОШЛАР ФИКРЛАШИШДИ

Ўзбекистонда мустақиллик йиллари эришилган ютуқлар, ёшларнинг орзу-умидлари, қизиқишларини ўрганиш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш ва ижтимоий-сиёсий фаоллигини кучайтириш масалалари теварагида фикрлашиб олинди. «Ишбилармон ўқувчи» анъанавий кўрик-танловининг бу йилги вилоят босқичи ғолиблари тадбиркорлик соҳасидаги ютуқлари ва муаммолари билан ўртоқлашишди.

Учрашув таниқли санъаткорларнинг чиқишлари билан якунланди.

Раъно ХОЛИҚОВА.

Ўзбекистон Халқ-демократик партияси марказий ва вилоят кенгашлари вилоят хотин-қизлар қўмитаси ҳамда Касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши билан ҳамкорликда «Мустақиллик менинг тақдиримда» мавзуида анжуман ўтказди.

СИЁСИЙ ФАОЛЛИК НИМАЛАРГА БОҒЛИҚ?

Унда Ўзбекистон Халқ-демократик партиясидан сайланган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят кенгаши депутатлари ҳамда партия фаоллари иштирок этди.

Йиғилиш иштирокчиларининг эътибори партиянинг дастурий мақсадларини рўёбга чиқариш учун қилинаётган ишлар, ижтимоий соҳадаги муаммоларни ҳал этишга қаратилган саъй-ҳаракатларга жалб этилди.

Анжуманда сўзга чиққанлар ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, тарғибот-ташвиқот ишларини замонга мос равишда олиб бориш, таълим ва соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш бўйича олиб борилаётган ишлар хусусида атрофлича тўхталдилар.

Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.

MATLUBOTSAVDO

«Вилоятматлуботсавдо»

акциядорлик компанияси

юртимиз аҳлини

Истиқлолнинг 15 йиллик

шодиёнаси билан самимий муборакбод этади. Ватанимиз осмони ҳамиша мусаффо бўлсин! Шу озод заминда умргузаронлик қилаётган меҳр-оқибатли, бағрикенг ва саховатли инсонларнинг эл фаровонлиги ва равнақи йўлидаги хизматларига улкан ютуқлар тилаймиз!

Байрамингиз қутлуғ бўлсин!

«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АК
«ТОШКЕНТ-ТЕЛЕКОМ» филиали

Ўзбекистон фуқароларини улуғ айём –

мамлакат Истиқлолининг 15 йиллиги билан қутлайди!

Ҳар биримиз ўз меҳнатимиз, эзгу саъй-ҳаракатларимиз билан Мустақиллигимиз янада мустаҳкамланишига, Ватанимизнинг барқарор гуллаб-яшнашига самарали ҳисса қўшаверайлик.

Барчамизга саломатлик, тотувлик ва омад ёр бўлсин!

Олмалиқ «Сувоқава»

ишлаб чиқариш шўъба корхонаси маъмурияти

ўзининг кўпмиллатли жамоасини, барча юртдошларимизни энг улуғ ва саодатли байрам — Ўзбекистон Республикаси

Мустақиллигининг 15 йиллиги билан самимий қутлайди!

Истиқлол туфайли жаҳон ҳамжамиятида ўз нуфузига, нурли йўли ва келажагига эга бўлган давлатимизнинг шуҳрати бундан-да буюк, салоҳиятли бўлсин!

Диёримизнинг ҳар гўшасида шоду хуррамлик, байрам кайфияти ҳукм сураверсин!

Акциядорлик-тижорат

«РАХТА BANK» нинг

Тошкент вилоят бошқармаси

ўз акциядорлари ва мижозларини ҳамда барча юртдошларимизни йил сайин ривожланиб, тараққий топаётган мамлакатимиз Мустақиллигининг **15 йиллик** байрами билан

самимий муборакбод этади! Шу билан бирга «Пахтабанк» Сиз азизларга ўзининг 12 та туман филиаллари ва 49 та мини-банклари орқали миллий ҳамда чет эл валюталарида барча замонавий банк хизматларини таклиф этади. Соғлиқ, оилавий бахт ва муваффақиятлар доимий ҳамроҳингиз бўлсин! Сизларни мижозларимиз сафида кўришдан бағоят хурсандмиз!

«Пахтабанк» – фаровонлигингиз калити!

Ўзбекистон телевидениеси кўрсатувлари дастури

ДУШАНБА 28

ЎЗБЕКИСТОН 1TV

6.00, 14.20 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 «Таҳлилнома».
8.45, 10.50, 11.10, 12.45, 14.15, 17.10, 20.00, 21.35 ТВ анонс.
8.50, 13.45, 17.15 Олтин мерос.
9.00, 23.30 «Шаҳрисабз». Премьера.
9.15 «Зумрад ва Қимматнинг саргузаштлари». Видеофильм. «Қундуз амакининг ҳикоялари». М/с.
10.55 «Сизнинг адвокатингиз».
11.00, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00 «Ахборот».
11.15, 20.05 «Омон бўлинг!».
11.20 «Дил таронаси».
11.25 «Одами эрсанг».
11.45 «Минг бир ривоят».
11.50, 12.50 «Чимилдиқ». Ўзбек Миллий академик драма театрининг спектакли. 1-2-қисм.
15.20 «Ватанпарвар».
16.20 «Бир ўлка-ки».
16.40 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.25 «Равнақ» студияси намойиш этади.
17.40 «Бу – менинг Ватаним!»
18.00 «Рангин дунё».
18.20 «Оҳанглар оғушида».
18.30 «Сардор». Телевизион фильм. 1-қисм.
19.15 Биржа ва банк хабарлари.
19.20 «Ватан фидойилари».
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
20.10 «Ишқ эртаги». Т/с.
21.40 «Қамчиқ: кеча ва бугун». 1-қисм.
22.00 «Алпомиш». Б/ф. 1-қисм.
23.20 «Қўшиғимсан, муҳаббат»

ЁШЛАР YOSHLAR Telekanali

6.00, 13.15 Янги тонг.
8.00 «Journal».
8.15, Кино-SMS.
8.20 «Хазина». 1-2 қисмлар.
8.45 Солиқ хизмати хабарлари.
8.55 Анонслар.
9.00 «Ёлғон асираси». Т/с.
9.45 Ватан ҳақида ўйлар.
9.50 Ўсмирлар симфонияси.
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 Давр.
10.15 Менинг диёрим!
10.20 Мухлис-шоу.
11.00 «Ўттиз уч бахтсизлик». Б/ф.
14.15 Мўйқалам сеҳри. 1-қисм.
14.55 Замондош.
15.10 «Экспедиция». Т/с.
16.15 «Остона». Т/с. 1-қисм.
17.10 Менинг диёрим!
17.15 «Шарқ тароналари».
18.45, 19.35 UzEX хабарлари.
18.55 Аждодлар садоси.
19.45 Ракурс.
20.00 Спорт-лото.
20.10 SMS-наволар.
20.30 «Эрта бугундан бошланади». 5-қисм.
21.10 Радиодан кўрсатамиз...
21.30 CINEMANIYA.
21.50 SMS-наволар.
22.35 «YOSHLAR»да ёз оқшомлари.

ТОШКЕНТ TV

18.00 Мультфильм. «Покахонтас».
18.15 «Мусиқа SMS».
18.30, 20.00, 21.30, 22.30 «Пойтахт».
18.45, 20.15, 22.45 «Анонс».
18.50, 21.45 «Телекурьер-маркет».
19.10 «Ҳақиқат». Т/с.
20.20 «Интервью».
20.30 «23,5 даражали бурчак остида».
21.00 «Жозиба».
21.15 «Эрудит».
22.05 «Аёл қалби».
22.50 «Водиллик келин». Б/ф.

СПОРТ SPORT TV

7.00 «Бардам бўлинг».
8.00 «Версия».
8.30 «Умид юлдузлари».
8.50 Мультфильм.
9.00 «Талқин».
9.30 Баскетбол.
10.25 «Францияниг унутилмас манзаралари».
11.15 «Талисман». Т/с.
18.00 «Болалар спорти».
18.15 «Спортимиз маликалари».
18.30, 21.30 «Хабарлар».
18.55 «Олам бўйлаб».
19.45 «Тет-а-тет».
20.00 «Вести».
20.25 «Ҳаёт гўзал». Т/с.
21.50 «Футбол шарҳи».
22. 10 «Проф-РИНГ».
23.00 Футбол.

СЕШАНБА 29

ЎЗБЕКИСТОН 1TV

6.00, 14.20 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00, 11.00, 12.00, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00 «Ахборот».
8.35, 10.30, 11.10, 12.10, 14.15, 16.35, 17.10, 20.00, 21.35 ТВ анонс.
8.40, 13.55 Олтин мерос.
8.50 «Марғилон».
9.10 «Зумрад ва Қимматнинг саргузаштлари». Видеофильм.
10.35 «Рангин дунё».
10.55 Биржа ва банк хабарлари.
11.15, 20.05 «Омон бўлинг!»
11.20, 20.10 «Ишқ эртаги». Т/с.
11.55 «Дил таронаси».
12.15 «Табиат тилсими».
12.30 «Қорақалпоқнома».
12.50 «Ёр-ёр». Б/ф.
15.20 «Интеллектуал ринг».
16.05 Ватан ҳақида қўшиқлар.
16.15 «Қамчиқ: кеча ва бугун». 1-қисм.
16.40 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.15 Эски альбом.
17.20 «Бир асар тарихи».
17.40 «Бу – менинг Ватаним!»
18.00 «Оҳанглар оғушида».
18.10 «Агар Сиз».
18.30 «Сардор». Телевизион фильм. 2-қисм.
19.10 «Банк ва мижоз».
19.20 «Сизнинг адвокатингиз».
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
21.40 «Қамчиқ: кеча ва бугун». 2-қисм.
22.00 «Алпомиш». Б/ф. 2-қисм.
23.20 «Қўшиғимсан, муҳаббат»
23.30 «Андижоннинг нурли оқшомлари».

ЁШЛАР YOSHLAR Telekanali

6.00, 13.15 Янги тонг.
8.00 Даврнинг боласи.
8.10 Эврика.
8.25 Замондош.
8.40 Рақурс.
8.55, 19.35 Анонслар.
9.00 «Ёлғон асираси». Т/с.
9.45 Ватан ҳақида ўйлар.
9.50 «Истиқболимиз тимсоллари».
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 Давр.
10.15, 12.55 Менинг диёрим!
10.20 «Эрта бугундан бошланади». 5-қисм.
11.00 Якшанба нонуштаси.
11.30 «Муз даври». Мультфильм.
14.15 Мўйқалам сеҳри. 2-қисм.
14.45, 17.20 Кино-SMS.
14.50 Радиодан кўрсатамиз...
15.10 «Экспедиция». Т/с.
16.15 «Остона». Т/с. 2-қисм.
17.05 Менинг диёрим!
17.10 «Мен 15 ёшдаман!»
17.25 «Қайнона». Кинокомедия.
18.40 Мафтунингман, ҳаёт!
18.55 Оқшом қўнғироқлари.
19.40 Қишлоқдаги тенгдошим.
20.00 «JOKER» телелотереяси.
20.10 ТВ-дорихона.
20.20, 21.15 SMS-наволар.
20.30 «Эрта бугундан бошланади». 6-қисм.
21.30 «Моя мечта». Дунё таомлари.
22.35 Мафтунингман, ҳаёт!
22.45 «Қор қўйнида лола». Б/ф.

ТОШКЕНТ TV

18.00 Мультфильм. «Покахонтас».
18.15 «Мусиқа SMS.
18.30, 20.00, 21.30, 22.30 «Пойтахт».
18.45, 20.15, 21.45, 22.45 «Анонс».
18.50, 21.50 «Телекурьер-маркет».
19.10 «Ҳақиқат». Т/с.
20.20 «Репортаж».
20.30 «23,5 даражали бурчак остида».
21.00 «Жозиба».
21.15 «Эрудит».
22.10 «Бахтли бўлинг».
22.50 «Сен менинг қўшиғимсан», Б/ф.

СПОРТ SPORT TV

7.00 «Бардам бўлинг».
8.00, 9.00, 18.30, 21.30 «Хабарлар».
8.20, 18.00 «Болалар спорти».
8.35 Андерсен эртаклари.
9.20 «Спорт клуб».
9.30, 20.25 «Ҳаёт гўзал». Т/с.
10.30 Баскетбол. Жаҳон чемпионати.
11.30 Детективлар.
18.15 Мультфильм.
18.50 «Бешинчи ўлчов».
19.15 «Спортимиз одимлари».
19.35 Белбоғли кураш. Ўзбекистон чемпионати.
20.00 «Вести».
21.50 «Спортимиз одимлари».
22.10 «Формула-1».
23.10 «Ўзбек спортининг 15-фасли».
23.30 Еврофутбол. Англия чемпионати.

ЧОРШАНБА 30

ЎЗБЕКИСТОН 1TV

6.00, 14.20 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00 «Ахборот».
8.35, 10.05, 10.55, 11.10, 14.15, 16.35, 17.10, 17.50, 19.05, 20.00, 21.35 ТВ анонс.
8.40, 17.15 Олтин мерос.
8.50 «Олтин тож». Телевизион ўйин. «Зумрад ва Қимматнинг саргузаштлари». Видеофильм.
10.10 «Диёр оҳанглари». Республика телевизион фестивали.
11.15, 20.05 «Омон бўлинг!»
11.20, 20.10 «Ишқ эртаги». Т/с.
11.55, Олтин мерос.
12.00 «Агар Сиз...».
12.20 «Қичкина табиб». Б/ф.
13.50, 17.55 Ватан ҳақида қўшиқлар.
15.20 «50x50».
16.10 «Қамчиқ: кеча ва бугун». 2-қисм.
16.30 «Минг бир ривоят».
16.40 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.30 «Аёл ва жамият».
18.15 «Одамлардан бири».
18.35 «Сардор». Телевизион фильм. 3-қисм.
19.10 «Байрамингиз кўнгилли ўтсин!»
19.20 «Ватан фидойилари».
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
21.40 «Бу – менинг Ватаним!»
22.05 «Қўшиғимсан, муҳаббат»
22.15 «Зулматни тарк этиб». Б/ф.

ЁШЛАР YOSHLAR Telekanali

6.00, 13.15 Янги тонг.
8.00 Даврнинг боласи.
8.10 Болажон.
8.20 Ўсмирлар симфонияси.
8.35 «Мен 15 ёшдаман!»
8.45 ТВ-дорихона.
8.55, 19.35 Анонслар.
9.00 «Ёлғон асираси». Т/с.
9.45 Кино-SMS.
9.50 «Истиқболимиз тимсоллари».
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 Давр.
10.15 Ватан ҳақида ўйлар.
10.20 «Эрта бугундан бошланади». 6-қисм.
11.10 Қишлоқдаги тенгдошим.
11.30 «Муз даври-2». Мультфильм.
12.55, 17.05, 18.55 Менинг диёрим!
14.15 Мўйқалам сеҳри. 3-қисм.
14.45 Ўсмирлар симфонияси.
15.00 «Мен 15 ёшдаман!»
15.10 «Экспедиция». Т/с.
16.15 «Остона». Т/с. 3-қисм.
17.10 «Ватанпарвар» дастури.
18.10 Аждодлар садоси.
18.15 «Наврўз». Болалар учун фильм.
18.45 Каталог.
19.40 «Ўзбекистон суръати».
20.00 Спорт-лото.
20.15, 21.10 SMS-наволар.
20.30 «Эрта бугундан бошланади». 7-қисм.
21.20 «Азизим».
22.35 Мафтунингман, ҳаёт!
22.45 «Чинор остидаги дуэль». Б/ф.

ТОШКЕНТ TV

18.00 Мультфильм. «Покахонтас».
18.15 «Мусиқа SMS».
18.30, 20.00, 21.30, 22.30 «Пойтахт».
18.45, 20.15, 21.45, 22.45 «Анонс».
18.50, 21.50 «Телекурьер-маркет».
19.10 «Ҳақиқат». Т/с.
20.20 «Интервью».
20.30 «23,5 даражали бурчак остида».
21.00 «Жозиба».
21.15 «Эрудит».
22.10 «Фаровонлик бекати».
22.50 «Тошкент бозорлари».
23.20 «Алишер Навоий». Б/ф.

СПОРТ SPORT TV

7.00 «Бардам бўлинг».
8.00, 9.00, 18.30, 21.30 «Хабарлар».
8.20 «Болалар спорти».
8.35 Андерсен эртаклари.
9.20, 20.30 «Ҳаёт гўзал». Т/с.
10.20 Жаҳон спорти. Теннис.
11.15 Детективлар.
11.50 Футбол. Ўзбекистон чемпионати.
18.00 «Умид юлдузлари».
18.15 Мультфильм.
18.55 «Ўз-ўзига режиссёр».
19.40 «Ўзбек спорти одимлари».
20.00 «Вести».
20.20 «Тет-а-тет».
21.50 «Ўзбек спортининг 15-фасли».
22.10 «Дув-дув гап».
23.40 «Спортимиз одимлари».

ПАЙШАНБА 31

ЎЗБЕКИСТОН 1TV

6.00, 14.20 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00, 14.00, 17.00, 19.00, 21.30 «Ахборот».
8.35, 10.00, 14.15, 17.10 ТВ анонс.
8.40, Олтин мерос.
8.45 «Байрамингиз кўнгилли ўтсин!»
8.55, 10.05 Н. Рашидова. «Усмон Носир». Ўзбек миллий академик драма театрининг спектакли. 1-2-қисм.
10.40 «Назм ва наво».
11.15 «Яхшилар ёди».
11.35 «Ишқ эртаги». Т/с.
12.10 «Истиқболга элтувчи йўллар».
12.30 «Тоҳир ва Зуҳра». Б/ф.
15.20 «Бу – менинг Ватаним!»
15.45, 17.15 «Ўзбегим ёшлари – Бельгияда». 1-2-қисм.
16.45 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
18.15 «Истиқлолинг муборак!».
18.25 «Сардор». Телевизион фильм. 4-қисм.
18.55 «Ватан фидойилари».
19.30, 22.00 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 15 йиллигига бағишланган байрам тантаналари.

ЁШЛАР YOSHLAR Telekanali

6.00, 13.15 Янги тонг.
8.00 «Олтин девор». Спектакль.
9.55, 14.15 Анонслар.
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 Давр.
10.15, 21.30 Аждодлар садоси.
10.20 «Эрта бугундан бошланади». 7-қисм.
11.00, 17.40 Ватан ҳақида ўйлар.
11.05 «Истиқболимиз тимсоллари».
11.15, 17.45 «Мен 15 ёшдаман!»
11.25 Кино-SMS.
11.30 «Мадагаскар». Мультфильм.
12.55, 17.10, 18.50, 21.55 Менинг диёрим!
14.20 «Ўтган кунлар». Б/ф.
15.50, 21.35, 22.35 Мафтунингман, ҳаёт!
16.15 «Остона». Т/с.
17.15 Чемпион сирлари.
17.55 «Янги авлод болалари – эртанги кун эгалари».
18.55 Оқшом қўнғироқлари.
19.30 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 15 йиллигига бағишланган байрам тантаналари.
22.45 «Ватан». Б/ф.

ТОШКЕНТ TV

18.00 Мультфильм. «Покахонтас».
18.15 «Мусиқа SMS».
18.30, 21.30, 22.30 «Пойтахт».
18.45 «Тошкент фавворалари».
19.15 «Истиқлол тароналари».
19.30 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 15 йиллигига бағишланган байрам тантаналари.
21.45 «Репортаж».
22.00 «Маърифат фидойилари».
22.45 «Мафтунингман». Б/ф.

СПОРТ SPORT TV

7.00 «Бардам бўлинг».
8.00, 9.00, 18.30, 21.30 «Хабарлар».
8.20, 10.40, 18.55 «Ўзбек спорти одимлари».
8.35 Андерсен эртаклари.
9.20, 16.30 «Ўзбек спортининг 15-фасли».
9.40 «Ҳаёт гўзал». Т/с.
11.00, 16.50 Байрам табриги.
11.15 Детективлар.
11.50 «Мадагаскар». М/ф.
13.10 «Умид ниҳоллари – 2006».
14.45 «Аҳил оила». Б/ф.
17.00 «Маҳалламиз паҳлавонлари».
17.50 Мультфильм.
18.15 «ГеймСетМатч».
19.15 «Қуёш шаҳри». Ҳужжатли фильм.
19.30 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 15 йиллигига бағишланган байрам дастури.
21.50 «Кўнгил-кўнгилга пайванд».
22.30 «Беллашув».
23.30 Еврофутбол.

ЖУМА 1

ЎЗБЕКИСТОН 1TV

Мустақиллигимизнинг 15 йиллигига бағишланган байрам дастури.
6.00, 14.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00, 19.30, 21.00 «Ахборот».
8.35, 11.20, 12.30, 20.00, 21.35 ТВ анонс.
8.40, 17.35 Байрам табриги.
8.45 «Юртимиз ғунчалари».
9.15 «Истиқлолинг муборак, она юрт!»
9.20 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 15 йиллигига бағишланган байрам тантаналари.
11.25 «Ўзбек таомлари».
11.45, 13.55 Байрам таронаси.
11.50 «Ҳажвия бисотидан».
12.10 «Одамлардан бири».
12.35 «Маҳаллада дув-дув гап». Б/ф.
15.00 «Муқаддас қадамжолар». «Шоҳизинда».
15.40 Ўсмирлар симфоник оркестри концерти.
16.20 «Ватан туйғуси».
16.40 «Олтин тож». «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.40 «Сардор». Б/ф. 5-қисм.
18.25 «Шарқ тароналари – 2005».
19.20 «Ватан фидойилари».
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
20.05 «Қишлоқ ҳаёти».
20.25 «Ватанимни куйлайман». Гулсанам Мамазоитова.
21.40 «Гўзал пойтахтим».
21.50 «Заковат». Финал.
23.10 «Бегона баҳор». Б/ф. 1-қисм.

ЁШЛАР YOSHLAR Telekanali

6.00, 13.15 Янги тонг.
8.00, 10.20 Анонслар.
8.05 «Истиқболимиз тимсоллари».
8.15, 16.20 «Мен 15 ёшдаман!»
8.25, 19.35 Мафтунингман, ҳаёт!
8.35 «Ислом оламининг гавҳари».
9.00 «Янги авлод болалари – эртанги кун эгалари»,
9.55, 15.55 Менинг диёрим!
10.00, 16.00, 19.00 Давр.
10.25 «Мешполвон». Б/ф.
11.30 «Ниҳол» мукофотини топшириш маросими.
14.15 «Сеҳрланган Элла». Б/ф.
16.30 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 15 йиллигига бағишланган байрам тантаналари.
18.30 «Ўзбегимнинг ёшлари!»
19.55 Рўзғор мактаби.
20.15 «Моя мечта». Дунё таомлари.
20.45 «Энг азиз байрам!» Бадиий-мусиқий дастур.
22.45 «Вир ва Зара». Б/ф

ТОШКЕНТ TV

7.30 «Салом, Тошкент!».
9.00, 19.10 «Ҳақиқат». Т/с.
9.50, 21.15 «Эрудит».
10.05 «Бахтли бўлинг».
10.25 «Фаёзтепа». Ҳужжатли фильм.
10.50 Аёл қалби».
11.15 Репортаж.
11.25, 18.15 «Мусиқа SMS».
11.40 Кино. «Водиллик келин».
13.05 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 15 йиллигига бағишланган байрам тантаналари.
18.00 Мультфильм. «Покахонтас».
18.30, 20.00, 21.30, 22.30 «Пойтахт».
18.45, 20.15, 21.45 «Анонс».
18.50, 21.50 «Телекурьер-маркет».
20.20 «Афиша».
20.30 «Тошкент боғлари».
21.00 «Жозиба».
22.10 «Афиша».
22.20 «Истиқлол тароналари».
22.50 «Суюнчи». Б/ф.

СПОРТ SPORT TV

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 15 йиллигига бағишланган телемарафон.
7.30 – 1.00

ШАНБА 2

ЎЗБЕКИСТОН 1TV

6.00, 14.20 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00, 14.00, 19.30, 21.00 «Ахборот».
8.35, 9.25, 10.40, 14.15, 20.00, 21.35 ТВ анонс.
8.40, 18.00 Байрам таронаси.
8.45 «Олтин тож». Телеўйин.
9.30 «Қалпоқ». Ҳажвий кўрсатув.
10.00 «Чинсэн». «Маврид».
10.45 «Шарқ тароналари». Халқаро мусиқа фестивали.
11.40 «Заковат». Финал.
13.00, 22.45 «Бегона баҳор». Б/ф. 1-2-қисм.
15.20 «Келинлар қўзғолони». Б/ф.
16.40 «Ўйла! Изла! Топ!»
17.40 «Таълимга эътибор – келажакка эътибор».
18.10 «Ўзбегим ўғлонлари».
19.20 «Суперлото». Телелотерея.
19.25, 19.55, 20.55 , 21.30 Эълонлар.
20.05 «Оддий ҳақиқатлар».
21.40 Ўзбекистон халқ артисти Муножот Йўлчиева куйлайди. 1-қисм.
22.25 «Ҳаёт давом этади».

ЁШЛАР YOSHLAR Telekanali

6.00, 13.15 Янги тонг.
8.00 «Мен 15 ёшдаман!»
8.10 Бола тилидан.
8.40 CINEMANIYA.
9.00 «Зерда». Т/с.
11.20 «Мен 15 ёшдаман!»
11.30 «Немони излаб». Мультфильм.
12.55 Анонслар.
13.00, 19.00, 22.00 Давр.
14.15 «Нарния салтанати». Б/ф.
16.35 «Энг азиз байрам!».
18.35 «Камолот» хабарлари.
18.45 Каталог.
18.55 Оқшом қўнғироқлари.
19.35 Аждодлар садоси.
19.40 «Дилрабо». Азиз Ражабий куйлайди.
20.10 «Ортиқча» хусусий клиникаси». Ҳажвий кўрсатув. 1-қисм.
20.40 Оҳанрабо.
21.30 Юлдуз билан.
22.35 Мафтунингман, ҳаёт!
22.45 «Ажабтовур кошона». Кинокомедия.

ТОШКЕНТ TV

7.30 «Салом, Тошкент!».
9.00 «Ҳақиқат». Т/с.
9.50, 21.15 «Эрудит».
10.05 «Моҳир».
10.30 «Афиша».
10.40 «Нима учун?»
11.20 «Ватан мадҳи».
11.35 «Қуёш шаҳри». Ҳужжатли фильм.
11.45, 18.15 «Мусиқа SMS».
12.00 «Сен менинг қўшиғимсан».
18.00 «Табассум».
18.30, 20.00, 21.30, 22.30 «Пойтахт».
18.45, 20.15, 21.45, 22.45 «Анонс».
18.50, 21.50 «Телекурьер-маркет».
19.10 «Ҳақиқат». Т/с.
20.20 «Интервью».
20.30 «Ниҳол».
20.40 ««Камин олдида суҳбат».
21.00 «Жозиба».
22.10 «Муқаддас қадамжолар».
22.50 «Тўйлар муборак». Б/ф.

СПОРТ SPORT TV

7.30, 8.50, 18.30, 21.30 «Хабарлар».
7.50 «Бардам бўлинг».
9.10 «Соғлом оила».
9.40 «Ҳайвонот олами».
10.15 «Кузги марафон». Б/ф.
12.00 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 15 йиллигига бағишланган байрам дастури.
14.00 «Кўнгил-кўнгилга пайванд».
14.40-15.20 Аёллар футболи. Ўзбекистон чемпионати. 2-тур.
18.00, 20.20, 21.50 Байрам репортажи.
18.10 «Ўзбек спортининг 15-фасли».
18.50 Концерт дастури.
19.40 «Спортимиз одимлари».
20.00 «Вести».
20.30 Мусиқий марафон.
21.10 «Спортимиз одимлари».
22.00 «Фан-фан тюльпан». Б/ф.
23.30 Еврофутбол. Англия премьер лигаси.

ЯКШАНБА 3

ЎЗБЕКИСТОН 1TV

6.00, 14.20 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00, «Ахборот».
8.35, 10.20, 13.05, 14.15, 16.30, 17.30, 21.45 ТВ анонс.
8.40, 18.20 «Байрам таронаси».
8.55 «Ўйла, Изла, Топ!» Телемусобақа. «Ажойиб саёҳат». Фильм-концерт.
10.25 «Навобахш».
11.10 «Ҳажвия бисотидан».
11.35 «Шийпондаги учрашувлар».
12.15 «Оддий ҳақиқатлар».
13.10 «Бегона баҳор». Б/ф. 2-қисм.
15.20 «Ўзбегим ўғлонлари».
16.35 «Гайратли йигитлар». Ҳажвий кўрсатув.
17.00 «Юртимиз ғунчалари».
17.35 «Интеллектуал ринг».
18.30 «Жиддий ўйин».
19.25, 20.00, 20.55, 21.40 Эълонлар.
19.30, 21.00 «Таҳлилнома».
20.05 «50x50».
21.50 Ўзбекистон халқ артисти Муножот Йўлчиева куйлайди. 2-қисм.
22.30 «Бевафо». Б/ф. (Ҳиндистон).

ЁШЛАР YOSHLAR Telekanali

6.00 Янги тонг.
8.00 Рўзғор мактаби.
8.20 Азизим.
9.00 «Ватанпарвар» дастури.
10.00 «Journal».
10.20 Ўзбекстон Республикаси Мустақиллигининг 15 йиллигига бағишланган байрам тантаналари.
12.20 Якшанба нонуштаси.
12.50 «Товуқлар қўзғолони». Мультфильм.
14.20 «Ватан». Б/ф.
16.05 Ватан ҳақида ўйлар.
16.10 «Ортиқча» хусусий клиникаси.
16.40 Оҳанрабо.
17.30 Кино SMS.
17.35 Шарқ маликаси.
18.30 «Ассалом, мактаб!»
18.45 Мафтунингман, ҳаёт!
19.00 «Давр» ҳафта ичида.
19.35 Анонслар.
19.40 «Қўшиқнинг туғилиши». Лола Аҳмедова.
20.10 Янги мавсум туҳфалари.
20.25 «Ўзбегимнинг ёшлари!».
20.55 Оқшом қўнғироқлари.
21.00 «Ошуфта дил». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Равшан Матёқубов куйлайди.
21.30 CINEMANIYA.
22.00 «Троя». Б/ф.

ТОШКЕНТ TV

7.30 «Салом, Тошкент!».
9.00 «Ҳақиқат». Т/с.
9.50, 21.15 «Эрудит».
10.05 «Камин олдида суҳбат».
10.25 «Юртим жамоли».
10.40 «Интервью».
10.50 «Маърифат фидойилари».
11.20 «Афиша».
11.30, 18.15 «Мусика SMS».
11.45 Кино. «Мафтунингман».
18.00 «Табассум».
18.30 «Мулоҳаза учун мавзу».
19.00, 23.05 «Телекурьер маркет».
19.15 «Анонс».
19.20 «Санъат гулшани».
19.40 «Нима учун?»
20.10 «Ватан мадҳи».
20.30 «Туризм ҳақида».
21.00 «Жозиба».
21.30, 23.25 «Титаник». 1-2-қисм.

СПОРТ SPORT TV

7.30, 8.50 «Хабарлар».
7.50 «Бардам бўлинг».
9.10 «Йўлда ёзилмаган қайдлар».
9.25 «Ҳамма уйдалигида».
10.20 «Аралаш».
11.05 «Қувноқ стартлар».
11.45 «Рақибингиз гроссмейстер».
12.10 Снукер.
13.10 «Проф-РИНГ».
14.05 А. Немовнинг «Чемпионлар шоуси».
18.00 «Умид юлдузлари».
18.20 Мультфильм.
18.30 «Версия».
19.00 «Спорт уик-энд».
19.40 «Тайм - аут».
20.00 «Вести».
20.20 Ҳажвий дастур.
21.30 «Талқин».
22.00 «Тенгдош».
22.20 «Замин ва фалак ораси». Б/ф.
23.50 Еврофутбол. Англия премьер лигаси.

ХХI аср ва ДУНЁ

УКРАИНА ОСМОНИДАГИ ҲАЛОКАТ

Россиянинг Пулково авиакомпаниясига қарашли йўловчи самолёт ҳалокатга учради. Анапа-Санкт-Петербург йўналиши бўйича парвоз қилган ТУ-154 самолёти Украинанинг Донецк шаҳри устидан учиб ўтаётганида қулаб тушди.

Сўнгги маълумотларга қараганда, самолётда 160 йўловчи ва ўн нафар экипаж аъзоси бўлган. Йўловчилар орасида 49 бола ҳамда чет эл фуқаролари бўлгани айтилмоқда. Йўловчилар ва экипаж аъзоларининг барчаси ҳалок бўлган. Айни пайтгача фақат ўттиз кишининг жасади топилган.

Россия фавқулодда вазиятлар вазирлиги маълумотларига кўра, ТУ-154 табиий ҳодиса – яшин уриши туфайли 10-11 минг метр баландликда ёниб кетган. Ҳалокатдан бир неча дақиқа олдин экипаж ерга "SOS" хабарини жўнатган.

Мутахассислар фожианинг асл сабаби самолётга ўрнатилган махсус овоз қайд этувчи ва тасвирга олувчи ускуналар топилгандан кейингина маълум бўлишини айтмоқда. ТУ-154 қулаган жой ботқоқлик бўлгани боис "қора қути"ни топиш қийин кечмоқда.

Анапа шаҳри аэропорти раҳбариятининг таъкидлашича, ҳаво кемасида ҳеч қандай носозлик бўлмаган ва у жадвал бўйича парвоз қилган. Аэропортда йўловчиларга хизмат кўрсатиш бўйича Федерал ҳаво транспорти агентлигининг барча талаблари тўлиқ бажарилган.

Донецкда ҳалок бўлганлар шахсини аниқлаш, яқинларига хабар жўнатиш, уларга ёрдам бериш бўйича тузилган махсус комиссия ва штаб ўз вазифасини бажаришга киришди.

Президент Владимир Путин 24 августни Россияда мотам куни, деб эълон қилди.

Орифжон ТУРОПОВ,
ЎзА шарҳловчиси.

ЛИВАНГА ТИНЧЛИКНИ САҚЛАШ КУЧЛАРИ ЖОЙЛАШТИРИЛАДИ

Исроил билан "Ҳизбуллоҳ" ўртасида сулҳ тузилиб, Яқин Шарқдаги вазият бир қадар изига тушган бўлса-да, баъзи-баъзида отишма рўй бериб турибди. Куни кеча Исроил ҳарбийлари Ливан жанубида уч нафар "Ҳизбуллоҳ" жангчисини отиб ўлдирди.

Исроил радиосининг хабар беришича, жангарилар ҳарбийлар жойлашган ҳудудга яқинлашгани учун шундай йўл тутилган. Ҳозирча Исроил қўшини Ливан жанубида туриб, халқаро кучларнинг келишини кутмоқда. БМТ кучлари келиб жойлашганидан кейин улар Ливан ҳудудидан бутунлай чиқиб кетиши керак.

РАТА-ТАСС хабарига қараганда, шу кунларда Ливанга халқаро тинчликни сақлаш кучларини жўнатиш ишлари жадаллашган. Италия томони бу қўшинга раҳбарлик қилмоқчи.

Ливанга ҳарбийларини жўнатмоқчи бўлаётган давлатлар сони эса кун сайин ортиб бормоқда. Масалан, Бангладеш, Туркия, Индонезия, Малайзия, Марокаш, Непал ана шундай мурожаат билан чиққан. Германия ҳарбий-денгиз қўшинларини жўнатишни режалаштирмоқда.

Аммо расмий Тель-Авив ўзи билан дипломатик алоқаси йўқ мамлакат вакилларининг халқаро кучлар сафида бўлишига қарши чиқяпти. Бундай давлатлар қаторида Индонезия, Малайзия ва Бангладеш тилга олинган. Бунга жавобан Индонезия икки ҳафта ичида мамлакат ҳарбийлари Исроил-Ливан чегарасида бўлишини маълум қилди. Айни пайтда Ислом конференцияси ташкилотига раҳбарлик қилаётган Малайзия ҳам Исроилнинг қаршилигига қарамасдан ўз фикридан қайтмаслигини билдирди.

Маълумотларга кўра, БМТ Хавфсизлик кенгаши Ливан жанубига ҳаммаси бўлиб 15 минг кишилик қўшин жойлаштиришни режалаштирган.

Жаҳон ҳамжамияти Ливанга инсонпарварлик ёрдамини кўрсатиш масаласига ҳам бефарқ эмас. Яқинда Мисрда Араб давлатлари лигаси вакиллари иштирокида ушбу муаммога бағишланган анжуман бўлиб ўтган эди. Унда тикланиш ишларида Ливанга ҳар томонлама ёрдам кўрсатишга келишиб олинди.

Ушбу масала 31 август куни Швеция пойтахти Стокгольм шаҳрида яна муҳокама қилинади. РАТА-ТАСС хабарига қараганда, ҳозирча Исроил томони ушбу конференцияда иштирок этишга хайрхоҳлик билдираётгани йўқ.

Фазлиддин АРЗИЕВ,
ЎзА шарҳловчиси.

«КЕЛАЖАК ОВОЗИ» – ЁШЛАР ОВОЗИ

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими кенгаши ҳамда "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган "Келажак овози" республика танловининг вилоят босқичи якунланди.

Ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар тарафлама камол топтириш, интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, ёш иқтидор эгаларини қўллаб-қувватлаш, ижод ва билим чўққиларини эгаллашларида уларга кўмаклашиш мақсадида ўтказилаётган мазкур кўрик-танловда қатнашчилар олти йўналиш бўйича куч синашди.

Танловнинг бадиий ижод ва амалий санъат йўналиши бўйича баҳсларда юз нафар ўғил-қиз иштирок этди.

Пскент туманидаги 4-мактаб ўқувчиси Акромжон Маликов, Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети талабаси Шоира Охунжонова, Ангрен шаҳар 33-мактаб ўқувчиси Динора Носирова, Р. Глиэр номидаги республика махсус мусиқа академик лицейи ўқувчиси, олмалиқлик Нодира Абдураҳмонова танловнинг мамлакат босқичига йўлланма олди.

Л. СУВОНОВ,
ЎзА мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН – ВАТАНИМ МАНИМ

Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари музейида мамлакатимиз Мустақиллигининг 15 йиллигига бағишлаб "Ўзбекистон – Ватаним маним" мавзуида бадиий кўргазма очилди.

Унда Ўзбекистон Бадиий академиясининг 30 нафардан ортиқ аъзосининг сара асарлари намойиш этилмоқда. Ёшларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қиладиган мазкур асарларда юртимиз тарихи, миллий анъана ва қадриятларимиз, гўзал ва бой табиатимиз маҳорат билан тасвирланган.

Айниқса, таниқли мўйқалам соҳиби В. Бурмакиннинг "Оналик", М. Йўлдошевнинг "Бухоро. Карвон", "Самарқанд. Чойхона", Э. Тошпўлатованинг "Кунгабоқар" асарлари санъат ихлосмандларида катта қизиқиш уйғотмоқда.

Х. САЛИМОВ,
ЎзА мухбири.

Ҳаёт сабоқлари

ВИЖДОН АЗОБИ

Йўлимиз шунақа: ҳар куни сокин қабристон ўртасидан кесиб ўтган сўқмоқ орқали катта кўчага чиқамиз. Тунов куни шу жойдан ўтаётиб, бир йигитни учратиб қолдим. У қабр устига тиз чўкканича, нола қиларди. Айрилиқ азобида қоврилаётган бу йигитга тасалли берган бўлдимда, кими қазо қилганини сўраб-суриштирдим.

– Сўраб дардимни янгиламанг, отахон, – деди у овози титраб.

Орқамга қайтиб қабристондан чиқаётсам, у менга етиб олди. Йигитни чалғитиш учун атайлаб тўғридаги тахта ўриндиққа бориб ўтирдимда, уни ҳам бир зум ўтириб ҳордиқ чиқаришга таклиф этдим. У ёнимга ўтирди-ю, сўз бошлади:

– Билиб турибман, менинг ташвишли ўтмишим билан қизиқиб қолдингиз.

– Кўнглингизни ёзсангиз, балки бироз енгил тортарсиз.

– Майли эшитинг, – деди ҳамроҳим оғир хўрсиниб.

...Улар катта орзу-ҳавас билан турмуш қуришди. Тинч-тотув яшашди. Кунлар бир-биридан ширин ва мазмунли ўтди. Ёш оила никоҳ кунининг бир йиллигини тантанали нишонлади. Икки, сўнг уч, тўртинчи йил ҳам ўтди. Бешинчи йил нишонланадиган кун эр ҳам, хотин ҳам безовталанишар, кўнгиллари ниманидир қўмсар, ҳаётларига бир нарса етишмаётгандек эди. Шунинг учун икковлари маъюс ва дилгир эдилар. Ҳа, оилада фарзанд йўқ эди. Улар айнан шу куни, шу дақиқада буни ирокдан ҳис этишар, лекин бу ҳақда бир-бирларига оғиз очишга ботина олишмасди. Шу бир оғиз сўз билан юрак озорланишидан қўрқишарди.

Бироқ, эскирган ип ҳар қанча авайланса ҳам барибир узиларкан. Айниқса, Адолат учун оғир эди. У ўт-олов ичида ёнарди. Ёнарди-ю, буни Қодиржонга билдирмасди. Тўғриғоғи, у эрининг ўзи каби ёнишини истамасди. Шунинг учун ҳар куни унга қалбидан қандайдир бир илиқлик бахш этишга интилар, лекин кунлар ўтгани сари қалбидаги ана шу илиқлик тугаб бораётгандек. Қодиржоннинг дарди Адолатникидан кам эмасди. Лекин у сиртига юқтирмасди. «Нима қилиш керак?». Мана шу савол эр-хотиннинг хаёлида кеча-кундуз чарх урарди. Ниҳоят бу саволга Адолат жавоб топгандек бўлди. Наҳотки шунча йил яшаган, ақалли, бирор марта тик қарамаган шундай беозор эрдан, бу аҳил оиладан бир умр ажралиб қолса? Аммо начора. Адолат Қодиржон учун, унинг келажаги учун жонини фидо қилишга ҳам тайёр. Нима қилсинки, баъзан ҳаётда кўнгил истагига қарши боришга ҳам тўғри келаркан.

Адолат ички туғён азобидан тўлғанар, кунлар эса бир зайлда бир-бирини қувиб ўтарди. Аёлнинг қалби соат сайин ларзага келар, бу азобдан қутулиш йўлини излагани сари баттар эзиларди. «Бас, энди шунча чидаганим етар. Шу бугун масалани ҳал қиламан».

Бу сафар Адолатнинг аҳди қатъийлашди. Худди шу куни Қодиржоннинг ширакайф кириб келиши Адолатнинг ҳали тўла пишиб етилмаган режасини фавқулодда амалга оширишга имкон яратди-қўйди. Эр хотинининг аламли кўзларига тикилди. Тикилди-ю, қилмишини лаънатлади. Ҳаёлига келган «ундан кечирим сўраш керак», деган фикрни Адолатнинг икки оғиз сўзи айқашуйқаш қилиб юборди.

– Жонимга тегди бундай турмуш, кун ора ичкилик, икки кунда бир улфатчилик, бунинг устига ҳар куни алламаҳалда ишдан келасиз. Шу ҳам ҳаёт бўлди-ю, шунча чидадим, энди бас. Кетаман бу уйдан, бутунлай кетаман.

Қодиржоннинг миясига қон тепди. Бу нима – яхшиликка ёмонликми? Ҳурмат ва садоқатга тупуришми? Хотинини дилдан севгани учун фарзандсизликка ҳам, одамларнинг орқароотдан отаётган таъна-маломатларига ҳам чидаб келаётган эрга шунчалик адолатсизликми?

Шу куни Адолат Қодиржоннинг кўнглини оғритди. Оғритдигина эмас, балки узоқ йиллардан бери авайлаб-асраб келаётган муҳаббатини, қалбини, ғурурини чилпарчин қилди.

Қодиржон дахшатдан гунг ва лол бўлиб қолган эди. На ярим кечада уйни тарк этаётган хотинига, на онасининг зору нолаларига эътибор бераарди. «Майли, кетса кетаверсин, – ўйларди у, – эрнинг, севгининг қадрига етмаган хотиннинг боридан йўғи».

Гоҳ ғурур устун келиб, гоҳ паст тушиб турган кунларнинг бирида Адолатдан келган икки энлик хат ҳаммаёқни остин-устун қилиб юборди. Мактубда Адолат ўзига вафодор, ичмайдиган ёр топганини ёзган эди.

Қодиржон гўё ўзини устидан бир челак совуқ сув қуйилгандек ҳис этди-ю, қалби нафратдан музлади-қолди. Тавба, шунча йил яшаб хотинининг бу қадар енгилтаклигини сезмаган бўлса-я. «Ким билсин, балки ўша вафодор ёрига бўлган севгиси мен билан яшаб турган вақтларда куртак ёзгандир». Хаёлига чақмоқдек урилган бу фикрдан йигитнинг юрак-бағри эзилиб кетди.

Ҳаётда ҳеч нарса изсиз қолмас экан. Адолатнинг адолатсизлиги йигитнинг қалбини яралаб, сочларига бевақт қиров ташлаб кетди. Яхшиямки, атрофингда қоқилганингда суяб қолувчи, ақлли, доно одамлар бор. Улар ана шундай оғир вақтларда сенга ёрдам қўлларини чўзишади, оқил маслаҳат бериб, кўнглингни кўтаришади. Қодиржон билан бир корхонада ишловчи Санобар ана шундайлардан бўлиб чиқди. Улар ўртасида бошланган ўзаро суҳбатлар икки ёшни беихтиёр бир-бирига яқинлаштирарди. Ана шу яқинлик самимий дўстликка, кейинчалик муҳаббатга айланди-ю, йигит билан қизнинг тақдир ипларини бир-бирига боғлаб қўйди.

Оилада биринчи фарзанд туғилди. Хотин ҳам, эр ҳам бахтиёр эди. Айниқса, бу бахт Қодиржон учун қадрли бўлди. Ахир у бунга осонликча эришдими, озмунча сўқмоқлардан ўтдими?

Шундай кунларнинг бирида Қодиржоннинг қўлига Адолат ёзган кичик бир мактуб етиб келди. «Фарзанд кўрганингизни эшитдим. Табриклайман сизни. Гарчи бу бахт менга насиб бўлмасада, ўзимни бахтиёр ҳис этдим... Ҳурмат билан Адолатингиз».

«Энди ақлинг кирдими? Энди менга бахт тилаб қолдингми? Кўзинг энди очилдими? Ёки тилёғламалик қилиб, яна мени ўзингга ром этмоқчимисан? Йўқ».

Қодиржон тўнини бутунлай тескари кийди. Ана шу ўжарлиги унга қанчалик қимматга тушишини, бу қилмиши учун кейинчалик ўзини умрбод лаънатлаб юришини, виждон азобида қоврилишини ўша дамда у қаердан билсин? Агар билганида шундай қилармиди? Уни деб ўз умрини хазон қилган шундай дилбар ва покиза аёл олдида умрбод гуноҳкор бўлиб қолармиди?

Адолатнинг ўлими Қодиржонни даҳшатга солди. Айниқса унинг сўнгги мактуби йигитнинг жону жаҳонини ўртаб юборди.

«Минг шукрки, оламдан ёруғ юз билан кўз юмаяпман. Мақсадим мен орзиқиб кутган, лекин ниятимга ета олмаган фарзанд висолидан сизнинг баҳраманд бўлишингизни кўриш эди. Орзуим амалга ошди. Ҳаётим сиз билан равшан эди. Лекин бу нурни ўзим атайлаб сўндирдим. Илтимос, бунинг учун мени кўйманг. Чунки шундай қилишга мажбур эдим. Виждоним, маслагим шунга ундади мени. Зеро, бундан бошқача йўл тутишга ҳақ-ҳуқуқим йўқ эди. Бахтсизлигимга сизни шерик қилишим инсофу адолатдан бўлмасди. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг ҳаётда сиздан бўлак ҳеч кимни севмаганман. Ўз севгимни топдим деб ёзган мактубим эса мендан кўнглингизни совутиш учун атайлаб тўқилган уйдирма эди. Сизни деб, бахтингизни деб ҳаммасига чидадим. Лекин кўзи тўрт бўлиб сизни кутган мендек бир ғарибнинг ҳолидан хабар олмаганингизга чидай олмадим. Сўнгги орзуим сизни бир кўриш эди. Афсус, бу бахт менга насиб этмади. Кўнглингизга заррача озор берган бўлсам, кечиринг. Сизни қаттиқ севувчи Адолат».

... Қодиржон икковимиз анчагача жим қолдик.

– Ана энди менинг кимлигимни тушунгандирсиз, – ҳамроҳимнинг хирилдоқ овози орадаги жимликни бузди. – Ўша шафқатсиз қилмишим учун виждон азобида қийналиб юрибман. Энди бу азоб мени умр бўйи тарк этмаса керак. Айтинг, қандай қилсам бу азобдан қутуламан?

Индамадим. Очиғини айтсам, шу дамда уни юпатиш, унга тасалли бериш учун бирон бир сўз топишим амри маҳол эди.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.

Шундан кейин

ЁНИДА БЎРИ ТУРГАЧ...

Айдаходаги Йеллоустоун миллий боғи яқинидаги ўтлоқларда моллари боқадиган фермерлар экологлардан бўрини қўриқхонага қайтариш дастурини ёпишни талаб қилмоқдалар.

Уларнинг таъкидлашича, ён-атрофда йиртқичлар пайдо бўлгач, чорва семирмай қўйган. Яйловдаги сигир қўрққанидан бир жойда тек турганича, умуман ўтламаяпти, дейишмоқда фермерлар.

ОКЕАН ТУТҚУНЛАРИ

Мексикада қутқариб олинган уч балиқчининг айтишича, улар деярли бир йил очиқ океанда қолиб кетишган.

Акула тутувчилар навбатдаги овга отланишган кун – 2005 йилнинг 28 октябри эди. Кутилмаганда, мотор билан боғлиқ муаммо пайдо бўлди. Кучли шамол қайиқни океан томон суриб кетди.

Қутқариб олинганларнинг ҳикоясига кўра, улар ўшандан бери хом балиқ еб, ёмғир суви ичиб кун кўришган.

САЙЁРАЛАР КЎПАЯДИМИ?



Прагада ўтаётган Халқаро астрономик уюшма конференциясида Қуёш тизимига кирувчи сайёралар сонини кўпайтириш масаласи кўриб чиқилмоқда.

Олимлар «сайёра» сўзининг аниқ маъносини белгилаб олишлари керак. Шунга кўра, сайёралар сони дастлаб 12 тагача, кейинроқ эса 20 тагача ошиши мумкин.

Уюшма аъзолари Плутон сайёрасини «мўъжаз сайёра» деб аташ ҳақида бир овоздан қарор қабул қилдилар. Шу тариқа ҳозирча Қуёш тизимида саккизтагина сайёра бор.

БАҒОЯТ ТЕЖАМКОР ЭКАН

Британиянинг MIRA (Motor industry Research Association) ассоциациясига кирувчи дизайнерлар келажакнинг шахсий автоювгичини бунёд этишди.

Битта автомобилни ювиш учун бу қурилма одатдагидек шланг орқали сарфланадиган ўртача 135 литр эмас, 4 литр сув ва 1 соат вақт сарфлайди.

РУХСАТ ЙЎҚ, ВАССАЛОМ!

АҚШ полицияси 85 ёшли Бенджамин Стейнбахга ўз эҳтиёжлари учун ўт ўриш машинасида юришни тақиқлаб қўйди. Қария саломатлиги туфайли уни автоулов бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилишгач, транспортнинг шу турига ўтиб олганди. Полиция шаҳар йўлкаларида фақат ногиронлар аравачаси-ю мотороллерларда ҳаракатланишга рухсат борлигини рўкач қилмоқда.

СУЛТОН СЕВГАН РУСУМЛАР



Интернетда Бруней султонига тегишли барча автомобилларнинг тўлиқ рўйхати пайдо бўлди.

Маълум бўлишича, султон 2 минг 789 та транспорт воситасининг соҳиби экан. Ҳукмдорнинг Mercedes (531 та машина) ва Bentley (362 та машина) русумларига ихлоси баланд кўринади.

СЕВГАНИНГНИ СИНАБ ОЛ

(Ҳажвия)

Ҳадра майдони, эгизак фавворалардан шаффоф сув отилиб турибди. Қирқ ёшларга бориб қолган, кўзойнакли Сувон олифтагарчилик билан чўнтак телефонига ўшқиради:

— Кеннойи, топган қизингиз официантка эмасми, мабодо? Ҳозир бўшаган «Фанта» идишини бир тепаманда, «бор-е» деб жўнавораман!

— Алло, алло, Сувонжон, гапингизни эшитдим. Асабийлашманг, бўлғуси келин модалар ателъесида ушланиб қолибди, ҳозир етиб боради, — деди кеннойиси.

— Қиртишлаган соқолим ўсиб кетди-ку, ахир?!

— Қирққа кирдингиз, қирқ бирига ҳам чиданг. Жонингиз ҳозир келиб қолади.

— Қанақа қизни топгансиз ўзи, кеннойи? Эстрада звездасидан бирортаси эмасми, мабодо?

— Ҳа, Алла Пугачевага ўхшаган миллионерга уйлансангиз ёмонми, Филипп Киркоровдай керилиб юрасиз.

— Ўзингизга ўхшаганини топибсиз-да, кеннойи, — жаҳлланди йигит.

— Нима қипти, ичиб келганингизда «бай-бай» қилиб ухлатади, қайнижон.

— Кейин бай-байлаб қолмайин, тағин.

— Қўрқманг, қайнижон, савлатингизни кўрса, мушукдай мулойим бўлиб қолади.

— Приём тамом. Ана, қора куюндай бўлиб келаяпти. Эй Худо, шарманда қилма, ишқилиб.

Шу пайт бошдан оёқ қора кийинган, қора кўзойнак таққан, қора сумка кўтарган, қора босоножкали шарпа пайдо бўлди.

— Салом йигит, учрашувга кечикиб келдим, кечиришингизни табиатнинг нозик жойидан сўрайман.

Сувон ажабланиб қизга қўл чўзди:

— Қани, танишиб қўяйлик, менинг исмим Сувон... Кийимингизга қараганда хорижий қизларга ўхшайсиз, исмингизни айтинг.

— Айтмайман, гуноҳ бўлади. Келинойингиз айтдилар, эркак билан қўл бериб кўришмаган, кинога тушмаган, тўйда ашула айтмаган, номаҳрамларга салом, қарияларга йўл бермайдиган покдомон қиз учраса, уйланаман дебсиз, мана биз ўша талабларингизни ҳаммасига жавоб берамиз.

— Э... ҳали шунақа денг, қани бир кўришиб қўяйликчи, бўлмаса.

— Тегинмангиз, — жилпанглади қиз.

— Ия, бу нима деганингиз?

— Номаҳрамсиз.

— Менга қаранг, жонидан...

— Нари боринг, нафасингиз тегади.

— Мен грипп эмасман. Рўмолча билан оғиз-бурнимни боғлаб олайми?

— Бетаҳоратсиз.

— Ювиниб келганман, ахир. Исмингиз нима?

— Ўзингиз топингиз.

— Шаҳар бердим, тополмадим, ўзингиз айта қолинг.

— Самарқанду Бухорони берасизми, эвазига?

— Не толка Самарқанду Бухорони, бутун дунёни ҳам бердим, айтинг.

— Исмим Зулайҳо, мени ёқтириб қолдингизми? — кулди қиз.

— Газ ниқоб тутиб олибсиз, қанақалигингизни билмасам, очинг юзингизни.

— Гуноҳ бўлади, — деди Зулайҳо.

— Ия, нотаниш йигит билан учрашиш гуноҳ эмасми?

— Учрашувга келмасам икки бор гуноҳга ботардим.

— Юзингизни очинг.

— Гуноҳи азим бўлади.

— Ғилаймисиз?

— Йўғ-эй.

— Бурнингиз пучуқми?

— Худо сақласин.

— Нишон лабмисиз?

— Лабларим бинойидек.

— Атиргулни беркитиш мумкинми? Қуёшни булут беркитса, қай аҳволга тушасиз?

— Унисини кейин гаплашамиз.

— Айтингчи, мен маъқул бўлдимми сизга?

— Маъқул бўлганда қандоқ. Энди менинг шартларимни эшитинг: оқ иштон, оқ яктак киясиз. Кинога тушмайсиз. Тижорат дўконига кирган қизжувонлар билан гаплашмайсиз.

— Тўйда ўйин тушсам бўладими?

— Фақат «Дилхирож»га ўйнайсиз!

— Яна қанақа шартларингиз бор?!

— Қўлда сўйилган қўй гўшти ейсиз.

— Қора қўчқорнинг гўшти ҳам бўлаверадими?

— Ҳа, ичмайсиз, чекмайсиз!

— Носвой чексам бўладими?

— Сўлагингиз ичингизга кетмаса бўлгани.

— Сув-чи, сув ичиш мумкинми?

— Тоза булоқ суви ичсангиз бўлади.

— Ҳаво олиш мумкинми?

— Ҳозир ҳаво бузилган, газ ниқоб тутасиз!

— Ҳавосиз ўлиб қолиш мумкин-ку!

— Пичоқни ўзингга ур, оғримаса бошқага ур, дейдилар. Шартларга амал қиласиз.

— Бўлди, ичмасликка, чекмасликка, нафас олмасликка ҳам розиман.

— Ия, одам овқат емаса, нафас олмаса асфалософилин бўлади-ку!

— Бундай ҳаёт кечиргандан кўра, ўлган яхши-да, алвидо, мен кетдим!

Абдулла ИСОМИДДИН.

Мирзо Улуғбек туманидаги «Ижодкор Ёшлар» хусусий фирмаси «Ижодкор Ёшлар» масъулияти чекланган жамиятига айлантирилмоқда.

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой давомида 162-57-99 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Тошкент топография техникуми томонидан 1980 йилда Комиссарова Валентина Павловна номига берилган ГТ-1 268690 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Чимкент университети томонидан 2004 йилда Кадыркулова Севара Савраповна номига берилган ЖБ 0535314 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент Давлат педагогика коллежи томонидан 2003 йил 1 июлда Ибрагимова Холида Келсиновна номига берилган 112607 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Утерянный план на квартиру, выданный 3 февраля 1993 г. государственный ордер № 01-02/5703 регистр. № 01-4376 на имя Рафикова Абзалитдина Нуритдиновича **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Юнусобод туманидаги 271-ўрта мактаб томонидан Мирзахмедова Ханифа Рихсибоевна номига берилган UJI 300159 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент вилояти дезинфекция станцияси жамоаси станция ходими Рўзмат Дўстматовга отаси **Курбон ДЎСТМАТОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Рассом ҳандаси

«Ният холис: саломат бўлайлик...»

А. ҲАКИМОВ чизган сурат.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ
Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ
Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48. Эълонлар: 133-90-82, 136-53-54.
Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.
Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-1040. Адади 3483. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Умид УБАЙДУЛЛО.
Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 00.20. 1 2 3 4 5 6